**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ**
**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*
*УДК:*

**Махкамова Нигора**

# СУРХОНДАЁ ВИЛОЯТИНИНГ ИБТИДОИЙ ДАВР МОДДИЙ МАДАНИЯТИ

Археология мутахассислиги

Магистр академик даражасини
олиш учун ёзилган
**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Т.ф.н.,етакчи илмий ходим. Мирзаахмедов Ж.К.**

**Самарқанд - 2012**

**МУНДАРИЖА**

**КИРИШ……………………………………………………**

**I БОБ. СУРХОНДАРЁ ВОДИЙСИ ТОШ АСРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ.....................................................**

**II БОБ. ВОДИЙНИНГ ЖЕЗ ДАВРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ..............................................................**

**III БОБ. СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИ ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ҚАДИМГИ ЎЧОҚЛАРИДАН ЭКАНЛИГИ**

**ХУЛОСА…………………………………………………………**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ...............**

**ИЛОВА (ИЛЛЮСТРАТИВ РАСМЛАР)........**

# КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги тарихий даврлар давомида жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Она юртимиз ва унинг ўтмишига бўлган қизиқиш янада ортди, айниқса, унинг моддий маданияти билан боғлиқ бўлган муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Ватанимиз тарихининг туб илдизлари манбасини, қадимги макон, қишлоқ ва шаҳарлар ривожланишининг тарихий жараёнларини модий манбалар асосида ўрганиш масаласи жуда муҳимдир. Ўлкамиз ўтмишини ҳолисона тиклаш тарихчи ва археолог олимларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ўзбекистонда мустақилликнинг тантана қилиши билан ўзбек халқининг тарихини кайтадан яратиш, уни холисона ўрганиш, ёш авлодда тарихий дунёқараш ва миллий ғурўрни шакллантириш масалалари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Юртимиз тарихига бўлган мунособат тубдан ўзгарди. Президент И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли рисоласида тарихимизнинг долзарб масалалари белгилаб берилди[1]. Ушбу асар археолог ва тарихчи олимларнинг Ватанимиз тарихини тўлиқ ва объектив ёритишларида дастури амал вазифасини бажаради.

Бу эса Жанубий Ўзбекистон археологияси, қадим тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар зиммасига янада масъулиятли илмий муаммоларни ҳам қилиш вазифасини қўяди. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ўзининг табиий-географик ўрнига кўра, нафақат Ўзбекистон, балким Ўрта Осиёнинг асосий қисмиини ташкил қилади. Бу ҳудуд одамзод томонидан ўрта тош давридан бошлаб ўзлаштирилган. Шу даврдан бошлаб кишилик тарихининг деярли барча босқичларига (неолит, энеолит давридан

[1] Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. //Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз.–Тошкент.-1999.-Б.132-154.

бошқа) оид археологик маконлар топилиб, ана шу топилган моддий маданият манбалари орқали тадқиқотчилар бу ҳудуд аҳолисининг ибтидоий давр тарихини таҳлил қилиб берганлар. Сурхондарё вилояти ибтидоий давр ёдгорликларига энг бой ҳудудлардан биридир. Бу ҳудуднинг ибтидоий қулай ва хуш манзара табиий шароитлари ҳамда ушбу шароитларга мос фауна ва флораси жуда қадим замонларданоқ ибтидоий одамларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган. Вилоятнинг ибтидоий, тош даврига оид асосий ёдгорликлари Тешик-тош, Амир Темур, Тешик-Тош-2, Амир Темур-1, Мачай ғорлари ва Зараутсой ёдгорлиги ҳамда бронза даврига Сополлитепа, Жарқўтон, Молали, Бўстон ва Тиллабулоқларни асосий ёдгорлик сифатида киритиш мумкин. Ушбу ҳудудлар инсоният тараққиёти тарихининг деярли ҳамма босқичларида аждодларимиз истиқомат қилинган ва бебаҳо маданиятлар яратилган.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.**

Сурхондарё вилояти ҳудудида ибтидоий давр маданияти, хусусан тош ва бронза даври ёдгорликлари, тадқиқоти ва муаммоларни таҳлил этиш ва шу асосида ибтидоий давр тарихи, жамоалар моддий маданиятини таҳлил этишдан иборатдир.

Сурхондарё вилояти тарихий жиҳатдан Ўрта Осиёнинг энг қадимий ўлкаларидан ҳисобланади.

Ўрта палеолит давридаёқ ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилган бўлиб, бу воҳасида мезолит ва бронза даврида ҳам маданий тараққиёт гуллаб-яшнаган.

Мезолит даврга оид Мачай ёдгорлиги материаллари оламшусул аҳамиятга молик материалларни берди.

Бронза даврида эса бу ҳудудда илк суғорма деҳқончилик ва шаҳарсозлик маданияти ривожланган бўлиб, бу фикрлар вилоятнинг Сополлитепа, Жарқўтон, Молали, Бўстон, Тиллабулоқ ва бошқа ёдгорликлар мисолида ўз исботини топган. Бу ерда бронза даврига оид ўрганилган

Сополли маданияти Қадимги Шарқ цивилизациясининг ажралмас қисми сифатида фан муомаласига кирди[2]. Меъморий ечими жиҳатидан Қадимги Шарқ дунёсидаги муҳим бўлган Сополлитепа, Жарқўтон олов ибодатхонаси, Жарқўтон ҳукмдорлар саройи мажмуалари ўрганилиши натижасида, Сополли маданияти таркибига кирувчи археология манзилгоҳлари тадқиқотчилар томонидан Қадимги Шарқ цивилизациясининг янги маркази сифатида эътироф этилмоқда.

**Муаммонинг ишлаб чиқилиш даражаси.** Жанубий Ўзбекистон ҳудудлари тош даврииг ўрта босқичига оид ёдгорликларга бошқа ҳудудлар сингари бу ерда ҳам жуда кўплаб маконлар топиб ўрганилган.

Ўрта палеолитга оид ёдгорликлар Сурхондарёнинг Бойсунтоғ ҳудудларидан ҳам топилган. Улар орасида энг машҳури Тешик-тошғори бўлиб, у Бойсун шаҳридан 18 км шимолда, Мачайдарёнинг чап қирғоғидаги Завталошсойнинг ўрта оқимида жойлашган. Мачайдарё Бойсунтоғнинг шимолий- ғарбий этакларидан оқиб ўтади ва у Амударёга қуйиладиган Шербоддарёнинг чап ирмоғи ҳисобланади. Ғор келловейоксфорд типидаги оҳактошда ҳосил бўлган ва ҳозирги Мачайдарёдан 500 м. чамаси юқорироқда жойлашган. Ёдгорликнинг денгиз сатҳидан баландлиги 1800 м. ни ташкил қилади. Ғорнинг кириш қисмидаги баландлиги 7 м., эни эса 20 м. дан иборат[3].

---

[2] Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977; Аскаров А.А. Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юге Средней Азии. Самарканд 1993.

[3] Окладников А.П. Мустьерская стоянка в гроте Тешик-Таш в Узбекистане \\ КСИИМК. Вып. 2. 1939. -С. 36. Окладников А.П. Находка неандертальца в Узбекистане \\ ВДИ. № 1. 1939а. -С. 78. Окладников А.П. Исследование палеолитической пещеры Тешик-Таш (предварительное сообщение) \\ Труды Узб. Филиала АН СССР, вып. 1. 1940. -С. 180. Окладников А.П. Неандертальский человек и следы его культуры в Средней Азии (предварительные данные и выводы о раскопках в гроте Тешик-Таш) \\ СА. Вып. 6. 1940а. -С. 56. Окладников А.П. Первобытный человек Узбекистана \\ Наука и жизнь. № 1. 1940б. -С. 55. Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан (Средняя Азия) \\ Тешик-Таш. Палеолитический человек. М. 1949а. -С.7. Там же. -С. 9. Movius H. L. Paleolithic and Mesolithic sites in Soviet Central Asia \\ Proceeding of the American Philisophical Society. vol. 57. 1953. -P. 24. Bordes F. L 'Industrie mousterienne de Teshic-Tash Affinites et age probable L'Anthropologie. t. 59 № 3\4, 1955.-P.46. Ранов В.А., Несмеянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии \\ Душанбе. 1973. -С. 74. Абрамова З.А. Грот Тешик-Таш – памятник мирового значения \\ Проблемы взаимосвязи природы и общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988. -С.23. Григорьев Г.П. Тешик-Таш и мустье Средней Азии 1988 \\ Проблемы взаимосвязи природы и общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988. -С.34.

Тешик-тошғори 1938-1939 йилларда А. П. Окладников томонидан ўрганилган ва икки йил давомида унинг маданий қолдиқлардан иборат бўлган 137 м$^2$ барча майдон сатхи тўлиқ очиб ўрганилган. Тадқиқотчининг фикрига кўра, ёдгорликнинг деярли ярми ғорга сизиб тушган қор-ёмғир сувлари ёрдамида ювиб кетилган.

Тешик-тош Ўрта Осиёнинг фаунистик материаллар сақланиб қолган ноёб ёдгорликларидан биридир[4].

Бойсунтоғдаги ўрта палеолит даврига оид иккинчи ёдгорлик бу Амир Темур ғоридир[5]. У унча катта бўлмаган шу номли сойда, Тешик-Тошдан 1,5 км. шимолроқда жойлашган. Ёдгорлик В. Ф. Ломаев томонидан очилган ва 1938-1939-йилларда А. П. Окладников томонидан ўрганилган. Ғорда учта маданий қатлам аниқланган бўлиб, чуқурлиги 1 м. гача етадиган 3-қатламдан кам сонли тош буюмлар йиғиб олинган. Улар орасида призмасимон нуклеус ва йирик қирғич мавжуд.

Ўрта палеолитга оид деб топилган Бойсунтоғдаги яна бир ёдгорлик Каттақўрғон бўлиб, у Тешиктошнинг қарама -қаршисида, Мачайдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Бу ерда дастлабки қазишмалар 1930-йилларда Г.В. Парфёнов томонидан амалга оширилган. Қазишмадан олинган материаллар билан танишиб чиққан А.П. Окладников, уларни Тешик-тошдаги материалларга ўхшаш, деб топган[6]. Музейдаги ёдгорлик материаллари билан танишиб чиққан В.А. Ранов эса, қарама-қарши фикрга келади ва у ушбу тош айвонда ўрта палеолитга оид қатламлар йўқ, деб ҳисоблайди[7].

---

[4] Громова В.И. Плейстоценовая фауна млекопытающих из грота Тешик-Таш, Южный Узбекистан \\ Тешик-Таш. Палеолитический человек. М. 1949.-Р. 44.

[5] Окладников А.П. Амир-Темир новый памятник каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) \\ КСИИМК. Вып. 28. 1940 в. --С. 67.. Окладников А.П. Амир-Темир новый памятник каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) \\ КСИИМК. Вып. 28. 1940 в. -С. 68.

[6] Береговая Н.А. Палеолитические местонахождения СССР. МИА. № 81. 1960. -С. 42.. Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан (Средняя Азия) \\ Тешик-Таш. Палеолитический человек. М. 1949 а. -С. 70.

[7] Ранов В.А., Несмеянов -С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии \\ Душанбе. 1973. -С. 64-66.

Тешик-тош-2. Ушбу объект Тешик-тош ғоридан дара бўйлаб тахминан, 100 м баландликда, ҳар иккала ёдгорлик ҳам даранинг ўнг бортида, денгиз сатҳидан – 1875 м баландликда жойлашган. Умуман, Тешик-тош 2 ёдгорлигининг ғовак қатламлари (17 та стратиграфик горизонтлар ажратилган) жигаррангнинг турли тусларидаги лес тупроқдан иборат[8].

Амир-Темир-1. Ушбу ғор Юқори-Мачай қишлоғидан 2,5 км ғарброқда, шу номли сойда жойлашган, унинг абсолют баландлиги 1740 м. Ғор карстли келиб чиқишга эга бўлиб, узунлиги 70 м, эни 23 м ҳамда томининг баландлиги 3,8 м ни ташкил қилади. Ғорнинг оғзи шимоли-шарққа қараган. Ёдгорлик И.Ф.Ламаев томонидан очилган ва 1938-1939 йилларда А.П. Окладников ва 1939 йилда Г..В. Парфенов томонларидан ўрганилган[9].

Мачай ғори Сурхондарё водийсидаги Мачайдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ёдгорлик 1938-1942 -йилларда Г.В. Парфёнов томонидан очиб ўрганилган. 1937 -йили ғорга М. Э. Воронец ва А.П. Окладниковлар ташриф буюришди[10] ва ёдгорликда мусте ва мезолит даврларига оид иккита маданий қатламни аниқладилар. 1970-1971 -йилларда ёдгорлик Ў.И. Исломов томонидан қазиб ўрганилди ва ундаги маданий қатламлар фақат мезолит бир даврига оидлигини илмий жиҳатдан исботлади[11].

Сурхондарё ҳудудларидан тадқиқотчилар томонидан мезолит даври билан саналанган алоҳида пунктлар ҳам аниқланган[12]. Бунга Айртом антик

---

[8] Деревянко А.П., Ширинов Т.Ш., Анойкин А.А., Борисов М.А., Гладышев С.А. Исследование грота Тешик-Таш-2 (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий: Мат-лы Годовой сессии ИАЭт СО РАН 2003 г., посвящ. 95-летию со дня рожд. академика А.П. Окладникова. – Новосибирск: Изд-во ИАЭт СО РАН, 2003. – Т. IX, ч. I. – С. 101-105;

[9] Окладников А.П. Амир-Темир, новый памятник каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) \\ КСИИМК. – 1940. – Вып. 6. – С. 67-69; Парфенов Г.В. Каменный период Сурхан-Дарьинской области УзССР (по материалам к археологической карте УзССР). – Термез, 1941.-(Рукопись, архив Археологического музея г. Термез (Узбекистан), дело № 167. – 23 п.л.);

[10] Окладников А.П. Следы каменного века в районе Термеза \\ Термезская археологическая экспедиция. Ташкент. 1945. -С. 39.

[11] Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент. 1975а .-С. 30.

[12] Парфенов Г.В. Следы древнейших культур на городищк Айртам \\ ИМКУ, № 2. Ташкент. 1961. -С. 15. Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент 1975а. -С. 10. Окладников А.П. Следы каменного века в районе Термеза \\ Термезская археологическая экспедиция. Ташкент. 1945. -С. 243. Исламов У.И. . Пещера Мачай. Ташкент. 1975а. -С.11.

давр шаҳар харобаси атрофидан, Эски Термиз яқинидан йиғиб олинган материалларни мисол қилиб келтириш мумкин. А.П. Окладников ва Ў.И. Исломовлар уларни генетик жиҳатдан Самарқанд макони ва Обишир 1-5 ёдгорликлари билан боғлайдилар ва бу Сурхондарё материалларини мезолит даври билан саналаш имконини беради[13].

Тош асрида ишланган қоя тош суратларини сақлаб қолган ёдгорликларидан яна бири бу - Сурхондарё вилоятидаги Зараутсой атрофида жойлашган[14]. Зараутсой дараси Кўҳитангтоғнинг шимоли-шарқий этакларида, Термиз шаҳридан 110 км шимоли-ғарбда, Шеробод тумани ҳудудида жойлашган.

Зараутсой суратларини биринчи бўлиб ўрганган Г.В. Парфёнов уларни бешта даврга: палеолит, мезолит, неолит, бронза ва сўнгги даврларга ажратган[15]. Бу фикр, рассом Ю.А. Рогинская томонидан қўллаб қувватланган ва у ушбу суратларни Италия ва Африканинг палеолит даври қоя тош суратлари билан ўхшашлиги таъкидланган[16]. Бошқа бир тадқиқотчи, А.А. Формозов эса, Зараутсойнинг энг қадимги суратларини мезолит, неолит ва энеолит даврларига хослигини таъкидлаган[17]. А.А. Формозов бу суратларни палеолит даври билан саналашга кескин қарши чиқиб, расмлардаги ўқ-ёй ва итлар мезолит давридан аввал бўлиши мумкин эмас, деган фикрни билдиради[18]. А.П. Окладников ҳам юқоридаги фикрга қўшилиб, Зараутсой суратларини неолит ва бронза даврлари билан саналашни таклиф қилади. Унинг фикрича, ушбу ов манзараларида ўқ-ёйнинг мавжудлиги суратларни

---

[13] Исламов, Мезолитические памятники Ферганской долины \\ ИМКУ. 9. Ташкент. 1972б. -С. 9. Окладников А.П. Следы каменного века в районе Термеза \\ Термезская археологическая экспедиция. Ташкент. 1945. -С. 12. Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент 1975а. -С. 11.

[14] Кўрсатилган адабиёт.-Б. 75.

[15] Парфенов Г.В. Картинная галарея первобытного искусства // Следопыт Средней Азии. Ташкент, 1963, -С. 201. Рогинская А. Зараутсай. М-Л.: 1950.-С. 8.

[16] Формозов А.А. Книга о древней наскальной живописи в Узбекистане // СЭ, № 4. 1951. -С. 214.

[17] Формозов А.А. О наскальных изображениях Зарауткамара в ущелье Зараут-сай. – СА. 1966, № 4. М.: 1966. -С. 22.

[18] Кўрсатилган адабтёт. -Б. 23.

мезолит даври билан ҳам саналаниши мумкинлигини билдиради. Негаки, мезолитда ўқ ёй овчиликда асосий қурол даражасига кўтарилади[19].

Сополли маданияти тушунчаси археология фанига А.А. Асқаров томонидан олиб кирилган бўлиб, унинг таркибига Сополлитепа, Жарқўтон, Мўлали, Бўстон каби ёдгорликлар киради. Қадимги Бақтриянинг тадқиқотимиз билан боғлиқ шимолий ҳудудларида бронза даврига тегишли археологик ёдгорликлар жуда кўп бўлиб, улар деҳқон жамоалари ва чорвадор қабилалари маданиятига тегишлидир.

1968 йилда Жанубий Ўзбекистонда Шеробод чўлини ўзлаштирилиши муносабати билан Шеробод чўлининг жанубий сарҳадларидан бронза даврига тегишли Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари топилади. Сополлитепа ёдгорлигида 1969-1974 йилларда археолог А.Асқаров кенг кўламли археологик қазишмалар олиб бориб, ушбу ёдгорликни тўлиқ очишга эришади[20]. Бундан ташқари кейинги йиллар илмий изланишлар олиб бораётган К.А. Раҳимов томонидан манзилгоҳдан топилган ошхона идишлари ва олов билан боғлиқ қурилмаларнинг типологияси таҳлил қилинган[21]. Сополлитепа материаллари таҳлили асосида Ўзбекистонда қадимги деҳқончилик маданиятининг тарихий илдизлари Қадимги Шарқ цивилизациялари билан боғлиқ эканлигини илк бор асослайди[22]. А.Асқаров “Сапаллитепа” ва “Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана” номли монографияларида юқоридаги фикрлар ўз ифодасини топган.

1973 йил баҳорида Ш.Пидаев ва В. Пилипколар Шеробод тумани Оққўрғон қишлоғи ҳудудидан ўтган Шеробод дарёси қуйи ҳавзасидаги Бўстонсойнинг чап соҳилидан Сополлитепа сопол мажмуасига ўхшаш сопол

---

[19] Окладников А.П. Верхнепалеолитическое и мезолитическое время. В кн.: Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М-Л.: 1966. -С. 72.

[20] Аскаров А. Сапаллитепа. – Т., Фан, 1973.

[21] Рахимов К. “Сополли маданияти ёдгорликларида олов билан боғлиқ қурилмалар ва ошхона идишлари типологияси” диссер.автореф. т.ф.н. Самарқанд. 2011. – Б. 31.

[22] Аскаров А. Сапаллитепа. – Ташкент, Фан. 1973.

парчаларини топадилар. А.Асқаров ушбу сопол буюмлари бронза даврига оид эканлигини аниқлагач, сопол буюмлар топилган ушбу ҳудуд – Жарқўтонда 1973 йилнинг кузидан кенг кўламли археологик изланишлар бошланади. Жарқўтонда олиб борилган археологик дала тадқиқотлари шуни кўрсатадики, бу ерларда Сополлитепанинг 8 кварталидан кўчиб борган жамоалар, Жарқўтон майдонида бир-бирларига яқин 8 та жойга жойлашиб, Сополлитепадаги саккиз жамоачилик анъаналарини давом эттирган бўлишлари мумкин. Ана шу 8 жамоа турар-жой массивлари орасида диний-дунёвий бошқарув маркази сифатида 6-тепада Жарқўтон монументал ибодатхонаси қад кўтарган. Жарқўтон “Шаҳристон”ида қад кўтарган 8 та уруғ-жамоаларининг уй-жой массивлари Сополлитепа кварталларидан фарқ қилиб, 0,50 - 1 м.га қадар баландликда бўлган таг-супа (платформа) устига қурилган (яъни майдон текислаб олинган) бўлиб, атрофи эса мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги солинган стратиграфик шурфлар натижасида аниқланган[23].

Манзилгоҳнинг жанубида, Бўстонсойнинг ҳар иккала соҳилларидан бир неча табиий тепаликлардан (Жарқўтон III, Жарқўтон IV а,б,в ҳамда Бўстон 1, 2,3,4,5,6,7,8) қадимги қабристонлар топилиб, уларни А.Асқаров ва унинг шогирдлари ҳамда Н.Аванесова каби қатор олимлар ўрганганлар[24].

---

[23] Рахманов У. Керамическое производство эрохи бронзы Южного Узбекистана. – Самарканд, 1987.
[24] Аскаров А. К вопросу о выделении культуры Сапалли // Древняя Бактрия. – Ленинград, 1974. – С. 26-32; Аскаров А.Расписная керамика Джаркутана // Бактрийские древности. 1976. – С. 17-19; Аскаров А. Бронзовый век южного Узбекистана (К проблеме развития локальных очагов древневосточной цивилизации) // Автореф.дисс.докт.ист.науки. – Москва, 1976. – С. 44; Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. –Т., Фан, 1977. – С. 232; Аскаров А. Южный Узбекистан во II тыс.до.н.э. // Этнические проблемы истории Центральной Азия в древности (II тыс.до.н.э). – М., 1981. – С. 167-179; Аскаров А.А.,Абдуллаев Б. Джаркутан. –Т., 1983 Южноузбекистанский очаг древнебактрийской цивилизации // Древние цивилизации Востока. – Ташкент, 1986. –С. 44-54; Рахманов У. Керамическое производство эрохи бронзы Южного Узбекистана. – Самарканд, 1987; Аскаров А. Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. – Алма-ата. 1989. – С. 57-58; Результаты исследования химического состава металла из могильников Бустан 3, 4 и 5 // ИМКУ, – Вып. 23. – Т, 1989. – С. 6-12; Древнебактрийский храм огня в южном Узбекистане // Архитектура и градостроительство. – Ташкент, 1989. – С. 7-24. (Т.Ш.Ширинов билан ҳамкорликда); О некоторых группах культовой керамики Джаркутана – памятника эпохи развитой бронзы юга Узбекистана // ИМКУ. – Вып 25. – Т., 1991. – С. 3-56. (Т.Ш.Ширинов билан ҳамкорликда); Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – С. 161. (Т.Ш.Ширинов билан ҳамкорликда); Бақтриянинг бронза ва илк темир даври маданиятлари хронологияси // “Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда”. Тошкент, “Фан”. 2005. – Б. 36-48 (Ш.Шайдуллаев б-н ҳамкорликда);

А. Асқаров шогирдлари Б.Абдуллаев, У.Раҳмановлар билан биргаликда Жарқўтон III, Жарқўтон IVа,б,в (864 та) ҳамда Бўстон 3 (38 та), Бўстон 4 (39 та) ва Бўстон 5 (12 та) қабристонларидан 900 га яқин қабрларни очиб ўрганадилар.

Сополли маданиятининг сўнгги босқичларида бутун Шимолий Бақтрия бўйлаб, катта ва кичик дарё ҳавзаларида қадимги деҳқончилик қишлоқлари пайдо бўлади. Бу ёдгорликлар сирасига Шўрчи туманининг Қизилсой соҳилидан Мўлалитепа ёдгорлигининг топилиши ва у ердан 7 та мозор очилишини қайд этиш мумкин[25].

Сополли маданиятининг сўнгги босқичига оид манзилгоҳ ва қабристон Денов туманидаги Сартепа ёдгорлигининг қуйи қатламларидан топилган. Тадқиқотчи Э.В.Ртвеладзенинг ёзишича, Сартепа қабрларида ғужанак ҳолатда ён биқини билан ётган скелетлар, этидан тозаланган суяклар ва кенотаф мозорлари учратилган[26]. Кейинги йилларда Жанубий Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган археологик изланишлар натижасида Сополли маданиятининг Жарқўтон босқичига оид ёдгорлик Пашқурт водийсининг Тиллабулоқ яқинидан ҳам топилиб, ушбу ёдгорликда Ш.Шайдуллаев хорижий археологлар билан биргаликда 2010 йилгача ўргандилар.[27] Тадқиқотчилар томонидан ўрганилган барча археологик топилмалар

---

Ширинов Т. Алтари огня из храма Джаркутан – памятника эпохи развитой бронзы // ИМКУ, – Вып. 23. – Ташкент, Фан. 1990. – С. 70-78; Ионесов В. Новые исследования могильника эпохи бронзы Джаркутан IVа. ИМКУ, вып. 22. Ташкент, 1988; Некоторые данные о могильнике Джаркутан- 4в. ИМКУ вып.24. Ташкент, Фан. 1990. – С. 8-18; Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде сапаллинской культуры // «Археологические вести». – № 4, Спб, 1995; Символика огня в погребальной практике сапаллинской культуры. (по материалам исследования могильника Бустан VI) // ИМКУ, – Вып.30. – Самарканд, 1999. – С. 27-36. (Ташпулатова Н б-н ҳамк); Проблеме относительной хронологии и периодизации Сапаллинской культуры // Археология Узбекистана, – № 1, –Ташкент, 2010; Проявление степных традиций в Сапаллинской культуре // «Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии». – Ташкент, 2010.

[25] Беляева Т.В., Хакимов З.А. Древнебактрийские памятники Миршаде. «Из истории античной культуры Узбекистана», Ташкент. 1973. –С. 35-51.

[26] Ртвеладзе Э.В. Бронзовый кинжал из Вахшувара. СА № 1, 1981.

[27] Каннут К. Раскопки на поселении Тилла Булак в 2008 г//Археологические исследования в Узбекистане 2008-2009 года.Самарканд, 2012.-С. 87-91; Каннут К., Курмангалиева А. Раскопки поселения Тилла Булак в 2009 г//Археологические исследования в Узбекистане 2008-2009 года.Самарканд, 2012.-С. 92-100; Интернет сайд. htt.tilla-bulak.de

Сополли маданиятининг илк босқичлари материалларига ўхшаш эканлиги аниқланган.

М.Эсанов ҳам гарчи ўз тадқиқотларида бронза даври диний эътиқоди ва дафн маросимларига бир қадар тўхталиб ўтади.[28]

Ш.Шайдуллаев бевосита Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичларини Бақтрия мисолида ўрганади[29]. Унда асосий эътибор давлатчилик масаласига қаратилган бўлиб, тадқиқотда Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик илдизлари бронза даврига бориб тақалиши илмий асосланган.

Бу масалада Бўстон VI қабристонида кенг қазишмалар ўтказиб, 230 дан ортиқ қабрларни очган Н.А.Аванесова ҳам ўз мақолаларида Бўстон босқичи (Сополли маданияти) диний эътиқоди ва дафн маросимлари билан боғлиқ урф-одатлар ҳақида қизиқарли маълумотлар тўплаган бўлсада[30], улар ҳақида махсус, умумлаштирилган тадқиқот натижалари эълон қилинмаган. У асосий эътиборни Андронова қабилаларининг Сополли маданиятига таъсирига қаратган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон-Германия экспедицияси (1994-2003)нинг Жарқўтондаги иш фаолияти даврида ибодатхонани қуйи қатламларида ибодатхона қурилишигача ҳам маҳобатли иншоот ўрни бўлганлиги аниқланган ва бундан ташқари кўплаб археологик топилмалар топилган.[31]

---

[28] Эсанов М. Авесто жамиятининг археологик материалларда акс этиши. (Қадимги Бақтрия ва Марғиёнанинг бронза даври моддий маданият ёдгорликлари мисолида). т.ф.н. диссер. –Т., 2007.

[29] Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида). Т.ф.д. дис. – Самарқанд, 2009.

[30] Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде сапаллинской культуры. «Археологические вести». № 4, Спб, 1995.; Символика огня в погребальной практике сапаллинской культуры // Ўзбекистон моддий маданият тарихи. № 30. – Самарқанд. (совм. Ташпулатова Н)1999. – С. 27.; Проблеме относительной хронологии и периодизации Сапаллинской культуры. АрхеологияУзбекистана, № 1, Ташкент, 2010.; Проявление степных традиций в Сапаллинской культуре.. «Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии». Ташкент, 2010.

[31] Шайдуллаев Ш. Б., Дитрих Хуфф., Рахимов К.А. Жарқўтон-2002 // ЎАТ 2002-йил. – Тошкент-2003. – Б. 202-205. Шайдуллаев Ш.Б., Д. Хуфф. Новые данные о взаимосвязях сапаллинской культуры со степной бронзой // Цивилизация Центральной Азии: земледельцы и скотоводы, традиции и современность: Тезисы докл. Международной науч. конф. – Самарканд, 2002. – С. 35-36; Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида). Т.ф.д. дис. – Самарқанд, 2009.

Сополли маданиятини ўрганишда француз археологлари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўзбек-француз археологик ҳамкорликдаги гуруҳ 2011 йилнинг май ойида Жарқўтон ёдгорлигида қазишмалар олиб бориб, маълум натижаларга эришдилар. Айнан Жарқўтон даврига тегишли қабрлар ва илк темир даврига оид ертўла, аҳлат ўралари ва қурилиш қолдиқлари ўрганилди.[32]

Сўнгги 20 йил ичида Жарқўтон ёдгорлигида бир қанча халқаро археология экспедициялари қазув тадқиқотлари олиб борди. Хусусан 1994–2003 йиллар мобайнида Германия археология институти, 2006 йилдан ҳозирги кунгача Франциянинг CNRS илмий маркази олимлари Ўзбекистон археологлари билан ҳамкорликда Жарқўтон ёдгорлигида археологик қазишмалар олиб бориб, Марказий Осиё халқлари цивилизацияси тарихини муҳим кашфиётлар, илмий янгиликлар билан тўлдирдилар.

Илмий ишнинг кириш қисмида ишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари ҳамда ўрта полеолит, мезолит, бронза даврига оид археологик ёдгорликларини ўрганиш тарихига бағишланган.

Диссертациянингбиринчи боби, Сурхондарё воҳасида мавжуд бўлган ва мутахассислар томонидан яхши ўрганилган тош даврига оид ёдгорликларни ҳамда Зараутсой суръатларининг ўрганилиш тарихига бағишланган. Унда ушбу суратларнинг ишланиш техникаси, мазмуни ва маданий-даврий талқинлари батафсил баён қилинади. Ҳамда илк маротаба воҳанинг тош даврига оид барча ёдгорликлари умумлашган ҳолда келтирилади.

Илмий ишнинг иккинчи боби, воҳада бронза даврига тегишли ёдгорликларнинг барчасини ўрганилиш трихига бағишланган бўлиб, бу даврда воҳада илк суҳорма деҳқончилик ва шаҳарсозлик маданиятлари ҳамда кўмиш маросимлари илмий таҳлил қилиб берилди.

---

[32] Мустафокулов С., Бендезу-Сарменьто Х., Рахманов У., Хасанов М.. Люилье Ж., Люне Э. Полевые работы Узбекско-Французской (MAFOUZ) экспедиции на Джаркутане в 2009-2011 гг// Археологические исследования в Узбекистане 2010-2011 года.Самарканд, 2012.-С. 203-214.

Диссертацичнинг учинчи боби, назарий масалаларга бағишланган бобида Сурхондарё воҳасидаги барча ибтидоий давр ёдгорликларининг маданий хосликлари ва хронологияси, ибтидоий одамларнинг хўжалик ҳаёти умумлашган ҳолда таҳлил қилинади.

Диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқотдан олинган натижалар умумлаштирилган.

**Тадқиқотнинг даврий ва хранологик чегараси.** Ушбу диссертация иши Сурхондарё воҳаси ўрта палеолит даври (100-40минг йилликлар), мезолит даври (12-7 минг йилликлар), бронза даври (3-минг йиллик охири, 2-минг йиллик бошлари) даврга оид ёдгорликларини ўрганиш тарихига бағишланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Сурхондарё воҳаси тош ва бронза даври ёдгорликлари бўйича бир қатор археологлар изланишлар олиб борган.

Ушбу диссертациянинг янгилиги Сурхондарё воҳасидаги тош ва бронза даври ёдгорликларини умумлашган ҳолда ўрганилганлигидир.

Бунда қуйидагиларга эътибор қаратилган:

- кўп йиллик дала тадқиқотлари давомида қўлга киритилган, тош ва бронза даври ёдгорликларининг ўрганилиш тарихини даврма-давр таҳлил қилиб, маълум бир тизимга солиш ва умумлаштириш;

-тош даврда меҳнат куролларининг даврма-давр ривожланиши ва ўзгаришини аниқ материаллар асосида ёритиш;

- ибтидоий жамоа тарихининг тош ва бронза дарига оид ҳар бир босқичида юз берган иқтисодий ва ижтимоий туб ўзгаришларни воҳа ёдгорликлари мисолида ёритиш.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари.**

Шундай қилиб, ушбу диссертацион иш юртимизнинг ибтидоий давр ёдгорликларига энг бой ҳудудларидан бири Сурхондарё вилояти ёдгорликларини умумлаштириш ва ўрганишга бағишланган.

Бугунги кунгача воҳада ўрганилган ибтидоий давр ёдгорликларидан ўрганилган археологик материалларни маълум бир тартибга солиб таҳлилий тадқиқ қилиш ва улар ечимида жаҳондаги илғор услублар, назария ва янгича ёндошувларни қўллаш лозим.

Диссертация иши археологик кўзатувлар ҳамда топилмаларни қиёслаш, таҳлил қилиш усулларидан фойдаланган ҳолда ҳолисона яратишга ҳаракат қилинди.

Сурходарё воҳасининг ибтидоий даврида одамларнинг яшаши учун табиий экологик шароитларнинг қулайлигини кўрсатиб беришга бағишланган.

**Тадқиқотнинг илмий- назарий ва амалий аҳамияти.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатлари ва иллюстратив материаллардан иборат альбомдан иборат. Илмий ишнинг ҳажми 00 бет, унга 00та иллюстратив материаллардан иборат альбом илова қилинган.

Ушбу диссертация иши Сурхондарё воҳасининг қадимги тош ва бронза даври билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларни ёритишга ёрдам беради.

Мазкур илмий тадқиқот натижаларидан миллий ва этник масалаларда,қадимги тош ва бронза даври ҳақидаги илмий мақолалар, ўқув қўлланма дастурлар махсус курслар тайёрлашда, олий ва ўрта махсус масканларида талабалар, магистрларга маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин.

# I БОБ. СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИ ТОШ АСРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ

Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган бўлиб, бу ердаги иссиқ иқлим шароитида ибтидоий даврданоқ одамлар яшаши учун қулайликларни юзага келтирган.

Сурхондарё вилояти рельефи тоғ ва текисликлардан иборат, шимолдан жанубга қияланиб ва кенгайиб боради. Тоғлардан оқиб тушадиган кўпдан-кўп дарё ва сойлар дара ҳосил қилган. Сурхондарё ва Шерободдарё оқиб ўтадиган текислик шимолий, ғарб ва шарқдан баланд Ҳисор тизмаси ва унинг тармоқлари (Бойсунтоғ, Кўҳитангтоғ, Боботоғ) билан ўралган. Тоғлар, асосан, юқори палеозой ва мезозой даврлари жинсларидан, текислик қисми эса тўртламчи давр ётқизиқлардан таркиб топган. Бу ерда неотектоника жараёнлари давом этмоқда: теварак атрофдаги тоғлар кўтарилиб, ботиқ чўкиб бормоқда. Тоғлар билан текислик орасида адир ва тоғ олди зона жойлашган. Тоғлар шимолий совуқ ҳаво оқимларини тўсиб туриши натижасида субтропик ўсимликлар ўстириш учун қулай иқлим шароити вужудга келган.

Ўрта Осиёнинг қадимги давр тарихини ўрганишда Сурхондарё вилояти муҳим аҳамиятга эга.

Тош асри – Ўрта Осиё тарихида жуда катта даврни 10-100 минг йилликларни ўз ичига олади. Бу давр Ўрта Осиё кишилар манзилгоҳлари давридир. Тош асри инсонлари асосан, инсоннинг кейинги ҳаёти учун муҳум бўлган техника, иқтисод, умумий алоқалар ва маданият ҳам шаклланган эди. Бу жараёнда инсонларнинг яшаш тарзи, улар бир-бирлари билан маданий алоқалар алмашиниши юқори даражада шаклланди.

Ўрта Осиё халқлари бошқа халқлар билан алоқалар ва қуллик балоси, бошқа мамлакатлар хўрагига айланиш каби жуда кўп қийинчиликларни ўз бошидан кечирди. Бу тош асри мабойнида бу ерда кўпгина муҳим ва қизиқарли тарихий янгиликлар бўлиб ўтди.

Ҳозирги кунга келиб Ўрта Осиёнинг полеолит ва мезолит даври тарихи бир неча алоҳида қилиб ўрганилмоқда, яъни қадимги маданияти умумий тарзда, ягона тарих фонди ҳақида, қадимги халқлар ҳудуди кабилар бўйича ҳақиқатлар юзага чиқди.

Айнан тош асри ёдгорликлари (полеолит ва мезолит)нинг қадимги географик алоқалари, Ўрта Осиё ҳудуди ланшафти ва иқлим эвалюцияси бўйича малака оширилди.

Биринчи марта шундай маҳорат 1949-йилда бу маълумотларнинг муаллифи томонидан (Тешиктош ғори очилгандан 10 йил кейин) «Тешиктош» асарида. Иккинчиси эса 1958-йилги Тожикистон археологияси бўйича маълумотлар (Окладников, 1958). Учинчиси В.А.Рановнинг бир қанча қўлланмалари ўзининг геологик қўлланмаларини (Ранов, 1963) олиш мумкин. Ўрта Осиёнинг полеолит ва мезолит даври ёдгорликлари бўйича саволлар геологларнинг эътиборини тортди. Бу ёдгорликларни ўрганишда стратиграфик ва палеогографик режани ва ҳамда умумий схемаси яратилди.

Ўрта Осиёнинг тўртламчи давридаги табиий шароити.

Қадимги полеолит даври инсоният тарихи учламчи давр охири ва учинчи этапидан кейин туртламчи давр: илк тўртламчи, ўрта тўртламчи, сўнгги тўртламчида ўзининг ажойиб геологик кўринишини намоён этган.

Ўрта Осиёнинг ўрта ва тўртинчи даври якуни (миоцен ва плиоцен) қандай ва бутун Евро Осиё билан ягона географик мавжудлиги ҳақида жуда яхши тўхтамга келинган. Тоғи ўта катта эмас, яъни ўртача баландлиги 500 м. ва баланд жойи 1000 м. атрофида бўлган. Ўрта Осиёнинг тоғли вилоятлари тоғ кўринишидаги тепалик ва майда ётқизиқлардан иборат бўлган. шунга ўхшаш релефлар иқлим билан боғлиқ бўлган. Жанубдан иссиқ оқим бемалол Ҳинд океани орқали Араб денгизидан мамлакатга кириб келган. Иқлим иссиқ ва нам бўлган. Шундан гувоҳлик берадики Ўрта Осиёнинг тоғ этакларида қизил тупроқ ўзига хос намлик ва суптропик иқлимни вужудга

келтирган. Бироқ юра даврига келиб иқлим анча қуруқлашган. У тезда учламчи ва тўртламчи даврга келиб ўзгарган, шунда Капетдоғ, Ҳимолай,

Помир ва Тяншаннинг 3-7 минг м. бўлган тоғлари вужудга келган ва шунинг эвазига Ўрта Осиёга иссиқ муссон ҳаво оқими кириб келиши тўхтайди. Бир вақтнинг ўзида оқар сувларда ҳам ўзгариш вужудга келиб, бу Ўрта Ер денгизи кўринишига келди. Б.А.Феодоровичнинг фикрича янги бир давр – антициклонал иқлим режими, унга характерли бўлган ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ, кам ёғинга эга (70-150 мм.) бўлган давр бошланди. Ўрта Осиёнинг қум ва чўлли доимий ланшафти, унга характерли бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси таркиб топди.

Тўртламчи даврнинг бошқа асосий сабаби биринчи навбатда тўхтовсиз совуш бошланиши эди. Аслида совуқнинг бошланиши анча олдин бошланган. Аниқ ўлчамли иқлим ўзгариши маржонлар бўлиб ҳисобланади. Юқори юра даврида шимолий чегарасида Каспий денгизи Манғишлоқ-Амударё йўналишимаржонлари сақланган. Юқори бўр даврига келиб унинг жанубий чегараси Амударё-Чоржоу-Красноводскгача тушиб борган. Миоцен маржонларининг тарқалиши фақат Каспий жанубида, плиоцен даврида эса жанубий Афғонистон райони чегарасигача келган.

Ўрта Осиёда палеолит дарига тегишли ёдгорликларга Ўзбекистон энг бой ҳудудлардан бири ҳисобланади(1-расм).

Ўрта палеолит- Ўзбекистон ҳудудлари палеолитнинг ўрта босқичига оид ёдгорликларга бой ҳисобланади. Уларга Тошкент воҳасида Обираҳмат, Палтов, Бўзсув ғори, Ғиштсой устахоналари, Зарафшон водийсидаги Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Омонқўтон, Такалисой, Олмабулоқ ёдгорликлари, Учтут устахонаси, ўрта палеолитнинг сўнгги босқичига оид Қизилқумдаги Есен 2, Қорақудуқ, Шахпахти, Кўкаёз 1, 2 ва 3 ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Тешик-Тош, Амир-Темур ғорлари, Кўлбулоқнинг ўрта қатламлари (24-4), Қизилолма 1, 2, Жарсой, Тўпаланг сув омбори топилмалари ҳамда юртимизнинг турли ҳудудларидан ер сатҳидан йиғиб

олинган аниқланган ўнлаб алоҳида топилмаларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Ўрта палеолитга оид ёдгорликлар Сурхондарёнинг Бойсунтоғ ҳудудларидан ҳам топилган. Улар орасида энг машҳури Тешик-тошғори бўлиб(2-расм), у Бойсун шаҳридан 18 км шимолда, Мачайдарёнинг чап қирғоғидаги Завталошсойнинг ўрта оқимида жойлашган. Мачайдарё Бойсунтоғнинг шимолий- ғарбий этакларидан оқиб ўтади ва у Амударёга қуйиладиган Шероборддарёнинг чап ирмоғи ҳисобланади. Ғор келловейоксфорд типидаги оҳактошда ҳосил бўлган ва ҳозирги Мачайдарёдан 500 м. чамаси юқорирокда жойлашган. Ёдгорликнинг денгиз сатҳидан баландлиги 1800 м. ни ташкил қилади. Ғорнинг кириш қисмидаги баландлиги 7 м., эни эса 20 м. дан иборат[33].

Тешик-тошғори 1938-1939 йилларда А. П. Окладников томонидан ўрганилган ва икки йил давомида унинг маданий қолдиқлардан иборат бўлган 137 $м^2$ барча майдон сатхи тўлиқ очиб ўрганилган. Ёдгорликда А. П. Окладников томонидан соф ётқизиқлар билан ажратилган 5 та маданий қатлам аниқланган (3-расм). Бу қатламларнинг умумий қалинлиги 1,5 м маданий қатламларнинг энг қалин жойи 40 см. гача етади. Тадқиқотчининг фикрига кўра, ёдгорликнинг деярли ярми ғорга сизиб тушган қор-ёмғир сувлари ёрдамида ювиб кетилган . 50 кв. м майдонни эгаллаган 1-маданий қатламдан тахминан 1 диаметрлик гулхан аниқланиб, А. П. Окладниковнинг

[33] Окладников А.П. Мустьерская стоянка в гроте Тешик-Таш в Узбекистане \\ КСИИМК. Вып. 2. 1939. -С. 36. Окладников А.П. Находка неандертальца в Узбекистане \\ ВДИ. № 1. 1939а. -С. 78. Окладников А.П. Исследование палеолитической пещеры Тешик-Таш (предварительное сообщение) \\ Труды Узб. Филиала АН СССР, вып. 1. 1940. -С. 180. Окладников А.П. Неандертальский человек и следы его культуры в Средней Азии (предварительные данные и выводы о раскопках в гроте Тешик-Таш) \\ СА. Вып. 6. 1940а. -С. 56. Окладников А.П. Первобытный человек Узбекистана \\ Наука и жизнь. № 1. 1940б. -С. 55. Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан (Средняя Азия) \\ Тешик-Таш. Палеолитический человек. М. 1949а. -С.7. Там же. -С. 9. Movius H. L. Paleolithic and Mesolithic sites in Soviet Central Asia \\ Proceeding of the American Philisophical Society. vol. 57. 1953. -P. 24. Bordes F. L ‘Industrie mousterienne de Teshic-Tash Affinites et age probable L’Anthropologie. t. 59 № 3\4, 1955.-P.46. Ранов В.А., Несмеянов С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии \\ Душанбе. 1973. -С. 74. Абрамова З.А. Грот Тешик-Таш – памятник мирового значения \\ Проблемы взаимосвязи природы и общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988. -С.23. Григорьев Г.П. Тешик-Таш и мустье Средней Азии 1988 \\ Проблемы взаимосвязи природы и общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент. 1988. -С.34.

таъкидлашича, олов бу ерда узоқ ёнмаган, негаки, гулхан ости тупроқлари унчалик куймаган. Неандертал боланинг қабри ҳам афтидан, 1-маданий қатлам билан боғлиқ. Иккинчи маданий қатламдан (майдони 12 кв. м.) узун тухумсимон шаклдаги (ҳажми 1,6х0,6 м.) ўчоқ ва унча катта бўлмаган гулхан топилган. 3- маданий қатлам ҳам 50 кв. м. майдонни эгаллайди, бироқ у ғорнинг кириш_қисмига қараб чўзилган(4-расм). Бу қатламдан учта ўчоқ топилган бўлиб, уларнинг ҳажми 0,4х0,4; 1,5х0,8 ва 1х0,4 м. ни ташкил қилади. 4-маданий қатламнинг (унинг майдони 30 кв. м) катта қисми кўмир бўлаклари билан қуюқ қопланган, 3х3 м.лик юмалоқ майдончага эга. Бу майдончанинг марказида катта ўчоқ (2х1,3 м) жойлашган. Иккинчи ўчоқнинг диаметри 0,5 м. бўлиб, биринчисидан 3 м масофада жойлашади. Қуйи 5-маданий қатламдан (майдони 15 кв. м) иккита ўчоқ излари аниқланган. Ёдгорликнинг барча қатламларидан олинган топилмалар: тош буюмлар ва фаунистик қолдиқлар ана шу ўчоқлар атрофида жойлашган(5-расм).

Ёдгорликда олашумул янгликлардан бир бу С.П. Окладников томонидан неандерталь 9 ёшли бола қабрини топилишидир (6-19,26-расм). Ҳозирги кунда ушбу неандерталь болани ўғил ёки қиз бола эканлиги тўғрисида мунозаралар бўлиб келмоқда. Тешик-тошЎрта Осиёнинг фаунистик материаллар сақланиб қолган ноёб ёдгорликларидан биридир[34]. Бу ерда сибир тоғ эчкиси суяк қолдиқлари кўпчиликни ташкил қилади (83%). Шунингдек, от, қўнғир айиқ, қоплон ва тахминан, ғор шоқолининг қолдиқлари аниқланган. Кемирувчилардан қуён, курка, суғур, кўрсичқон, дала сичқон, туркистон каламуши суяк қолдиқлари ҳам топилган. Қатламлар фаунаси орасида деярли фарқ сезилмайди[35]. Бундан ташқари, Тешик-тошқатламларидан 20 га яқин қушларнинг суяк қолдиқлари аниқланган[36].

---

[34] Громова В.И. Плейстоценовая фауна млекопытающих из грота Тешик-Таш, Южный Узбекистан \\ Тешик-Таш. Палеолитический человек. М. 1949.-Р. 44.

[35] Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан (Средняя Азия) \\ Тешик-Таш. Палеолитический человек. М. 1949 а. -С. 67.

[36] Суслова В.П. Плейстоценовая орнитофауна из грота Тешик-Таш, Южный Узбекистан \\ Тешик-Таш. Палеолитичекий человек. М. 1949. -С.34.

Тешик-Тошнинг маданий қатламларидан 2228 та тош буюмлар топиб ўрганилган. Улар асосан чақмоқтошлашган оҳактошдан ишланган бўлиб, таркибида нуклеуслар, қирғичлар, пайконлар, кесгичлар, ретушланган учириндилар ва пластиналар мавжуд (20-25-расм). Умуман, ҳар бешала қатламнинг индустрияси бир хил ва ўзгаришсиз тараққий этган.

Бойсунтоғдаги ўрта палеолит даврига оид иккинчи ёдгорлик бу Амир Темур ғоридир[37]. У унча катта бўлмаган шу номли сойда, Тешик-Тощдан 1,5 км. шимолроқда жойлашган. Ёдгорлик В.Ф.Ломаев томонидан очилган ва 1938-1939-йилларда А.П.Окладников томонидан ўрганилган. Ғорда учта маданий қатлам аниқланган бўлиб, чуқурлиги 1 м. гача етадиган 3-қатламдан кам сонли тош буюмлар йиғиб олинган. Улар орасида призмасимон нуклеус ва йирик қирғич мавжуд. Ушбу қатламдан арчага тааллуқли кўмир қолдиқлари топилган. А.П. Окладниковнинг фикрича, Амир-Темир ғорининг 3-қатлами Тешиктошнинг айрим қатламлари билан тенгдошдир. Бироқ бундай дейиш учун асосли исботлар йўқ.

Ўрта палеолитга оид деб топилган Бойсунтоғдаги яна бир ёдгорлик Каттақўрғон бўлиб, у Тешиктошнинг қарама -қаршисида, Мачайдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Бу ерда дастлабки қазишмалар 1930-йилларда Г.В. Парфёнов томонидан амалга оширилган. Қазишмадан олинган материаллар билан танишиб чиққан А.П. Окладников, уларни Тешик-тощдаги материалларга ўхшаш, деб топган[38]. Музейдаги ёдгорлик материаллари билан танишиб чиққан В.А. Ранов эса, қарама-қарши фикрга келади ва у ушбу тош айвонда ўрта палеолитга оид қатламлар йўқ, деб ҳисоблайди[39].

---

[37] Окладников А.П. Амир-Темир новый памятник каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) \\ КСИИМК. Вып. 28. 1940 в. --С. 67.. Окладников А.П. Амир-Темир новый памятник каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) \\ КСИИМК. Вып. 28. 1940 в. -С. 68.

[38] Береговая Н.А. Палеолитические местонахождения СССР. МИА. № 81. 1960. -С. 42.. Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан (Средняя Азия) \\ Тешик-Таш. Палеолитический человек. М. 1949 а. -С. 70.

[39] Ранов В.А., Несмеянов -С.А. Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии \\ Душанбе. 1973. -С. 64-66.

Ўзбекистонда қадимги тош даврини ўрганиш ишлари Ўзбекистон-Россия палеолитчилар гуруҳи томонидан юртимизнинг жанубидаги Бойсун тоғларида, Ўзбек-Америка халқаро экспедицияси эса Қашқадарёдаги Ангиллоқ маконида амалга оширилди ва қатор янги маълумотлар қўлга киритилди.

Тешик-тош-2 ва Амир-Темир-1 ғорларининг ўрганилиши–Ўзбек-Россия халқаро ҳамкор экспедицияси тадқиқотларининг натижаси сифатида. 2002-2003 йилларда Ўзбекистонда тош даврини ўрганиш бўйича халқаро Ўзбек-Россия экспедицияси Бойсунтоғда илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Натижада. бу ердан ўрта палеолит даврига оид Амир-Темир 1 ҳамда ўрта ва сўнги палеолит даврига мансуб Тешик-Тош 2 ғор маконлари очиб ўрганилди, Ушбу тадқиқотларнинг натижалари бир қатор мақолаларда ва илмий ҳисоботларда ўз аксини топди[40].

Бойсун тоғлари Помир-Олой системаси таркибидаги Ҳисор тоғларининг жануби-ғарбий тизмасига киради ва Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий қисмини ҳамда қўшни Тожикистоннинг бир қанча ҳудудларини ўз ичига олади. Бу ердан оқиб ўтадиган Мачай-Дарёда тош даврини ўрганиш ишлари 1931 йилда Г.В. Парфенов раҳбарлигидаги Сурхондарё ўлкашунослик музейи экспедицияси томонидан бошланган. Ушбу тадқиқотлар тўрт йил давом этган.

Даставвал Мачай ғори очилган ва уни тадқиқ қилиш билан бирга атрофдаги ғорлар ва ҳарсанг айвонлар ўрганила бошланган. 1938 -1939 йилларда Сурхондаё ўлкашунослик музейи билан ҳамкорликда А.П.

---

[40] Деревянко А.П., Ширинов Т.Ш., Анойкин А.А., Борисов М.А., Гладышев С.А. Исследование грота Тешик-Таш-2 (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий: Мат-лы Годовой сессии ИАЭт СО РАН 2003 г., посвящ. 95-летию со дня рожд. академика А.П. Окладникова. – Новосибирск: Изд-во ИАЭт СО РАН, 2003. – Т. IX, ч. I. – С. 101-105; Анойкин А.А., Гладышев С.А., Борисов М.А., Семин А.А. Археологическая разведка в районе хребта Байсун-Тау (Узбекистан). // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий: Мат-лы Годовой сессии ИАЭт СО РАН 2003 г., посвящ. 95-летию со дня рожд. академика А.П. Окладникова. – Новосибирск: Изд-во Ин-та археологии и этнографии СО РАН, 2003. – Т. IX, ч. I. – С. 18-26; Анойкин А.А., Гладышев С.А., Памятники каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) // Археология и палеэкология Евразии. – Новосибирск: Изд-во Ин-т археологии и этнографии СО РАН, 2004. – С. 33-42;

Окладников бошлиқ собиқ СССР ФА ММТИ экспедицияси Тешик-тош ғорида изланишларни бошлаган ва шу йили бу ғордан неандертал боланинг қабри топилган. Бир вақтнинг ўзида атрофдаги бошқа ғорлар қидирилиб, ўрганила бошланган. А.П. Окладников ўзининг асарларида Тешик-тош ва Мачай ғорларидан ташқари, археологик материалларга эга яна 6 та ғорлар ҳақида таъкидлаб ўтади. Уларга Амир-Темир ғори ҳам киритилиб, уни қазиш ишлари икки йил авом эттирилган[41]. Иккинчи жаҳон уруши бу ердаги тадқиқотларни тўхтатишга мажбур этди ва олинган натижаларнинг катта қисми чоп қилинмасдан қолди.

2002 йилги халқаро экспедициянинг вазифалари қаторига Тешик-тош 2 ғор маконида стационар қазиш ишларини ва ўрганилаётган ҳудудларда қўшимча қидирувлар олиб бориш киритилган эди[42]. Бахтга қарши, А.П. Окладников ва Г.В. Парфеновлар томонидан тилга олинган ғорларнинг барчасини топишнинг имкони бўлмади. Шундай бўлсада, гуруҳ ушбу ҳудудларда кенг қидирув ишларини олиб борди.

2003 йилгача бу ерда фақат иккита ёдгорлик Тешик-тош ҳамда Амир-Темир ғорлари ҳақида маълумотлар, чоп этилган адабиётлар маълум эди. Тешик-тош ғори материаллари монография шаклида ва Амир-Темирда олиб борилган ишлар натижалари 1940 йилда «КСИИМК» серияларида нашр қилинган эди[43].

---

[41] Окладников А.П. Амир-Темир, новый памятник каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) \\ КСИИМК. – 1940. – Вып. 6. – С. 67-69; Окладников А.П. Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан (Средняя Азия) // Тешик-Таш: Палеолитический человек.– М.: Изд-во МГУ, 1949. – С. 7-85.- (Тр.НИИ антропологии);

[42] Деревянко А.П., Ширинов Т.Ш., Анойкин А.А., Борисов М.А., Гладышев С.А. Исследование грота Тешик-Таш-2 (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий: Мат-лы Годовой сессии ИАЭт СО РАН 2003 г., посвящ. 95-летию со дня рожд. академика А.П. Окладникова. – Новосибирск: Изд-во ИАЭт СО РАН, 2003. – Т. IX, ч. I. – С. 101-105; Анойкин А.А., Гладышев С.А., Борисов М.А., Семин А.А. Археологическая разведка в районе хребта Байсун-Тау (Узбекистан). // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий: Мат-лы Годовой сессии ИАЭт СО РАН 2003 г., посвящ. 95-летию со дня рожд. академика А.П. Окладникова. – Новосибирск: Изд-во Ин-та археологии и этнографии СО РАН, 2003. – Т. IX, ч. I. – С. 18-26;

[43] Окладников А.П. Амир-Темир, новый памятник каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) \\ КСИИМК. – 1940. – Вып. 6. – С. 67-69;

Тешик-тош-2. Ушбу объект Тешик-тош ғоридан дара бўйлаб тахминан, 100 м баландликда, ҳар иккала ёдгорлик ҳам даранинг ўнг бортида, денгиз сатҳидан – 1875 м баландликда жойлашган. Ғор эни 15 м лик ва бўйи жанубдан шарққа қараб 61,6 м га чўзилган ҳарсанг айвондир. Айвоннинг поли анча қиялашган ва бу нишаблик 25° ни ташкил қилади. Томи баланд 8-10 м бўлиб бироз қиялашган. Ғорнинг ичидаги бўштлиқнинг тўлишида афтидан, ҳам карстли ва ҳам гравитацион жараёнлар фаол иштирок этган. Ғорнинг полида томдан ўпирилиб тушган йирик ҳарсанг жойлашган. Ичкарида эски қазишмалар шурфларининг ўпирилиб ётган деворлари ва чуқурликлари кўзга ташланади. Улардан бири, ғорнинг шимоли-ғарбий қисмида, иккинчиси айвоннинг марказий қисмига яқинроқда жойлашган. 2003 йилда марказдаги шурфнинг шарқий девори томонидан 3х4 м лик қазиш ишлари давом эттирилди. Ушбу қазишмаларнинг умумий майдони м$^2$ ва чуқурлиги ғор тагидаги қояларгача давом эттирилган бўлиб, у 7 м гача етади. Умуман, Тешик-тош 2 ёдгорлигининг ғовак қатламлари (17 та стратиграфик горизонтлар ажратилган) жигаррангнинг турли тусларидаги лес тупроқдан иборат[44]. Кесма бўйлаб пастга тушилган сайин қатламларнинг ранги тўқ тусга кириб, намлиги ортиб боради. Баъзи жойларда тупроқ қатлам орасида шағалли ҳамда йирик охактош бўлакларига эга ётқизиқлар мавжуд. Шағалли ва тупроқли горизонтлар ғордан мавсумий оқиб турадиган лойқа сувлар туфайли вужудга келган.

Қазиш ишлари жараёнида ғордан 28 та тош буюм йиғиб олинган. Хом-ашё сифатида бу ерда яшаган одамлар маҳаллий охактошлардан, яъни улар орасидан кўпроқ кремнийлашганларини танлаб олиб фойдаланганлар. Бу хом-ашёнинг сифати жуда паст ва уларда ички ёриқлар, бўштликлар ҳамда турли қўшимчалар кўп учрайди.

---

[44] Деревянко А.П., Ширинов Т.Ш., Анойкин А.А., Борисов М.А., Гладышев С.А. Исследование грота Тешик-Таш-2 (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий: Мат-лы Годовой сессии ИАЭт СО РАН 2003 г., посвящ. 95-летию со дня рожд. академика А.П. Окладникова. – Новосибирск: Изд-во ИАЭт СО РАН, 2003. – Т. IX, ч. I. – С. 101-105;

Қазишмада тош буюмлар деярли барча ғовак қатламлардан топилган (2-14 қатламлар) ва улар жойлашувига кўра на стратиграфик ва на планиграфик концентрацияга эга эмас. Ёдгорликда шартли равишда жами 6 та материалларга эга горизонт аниқланган.

Қазишма натижаларига кўра айтиш мумкинки, Тешик-тош 2 ёдгорлигида ёрқин намоён бўладиган маданий қатлам йўқ. Артефактларнинг характери ҳамда уларнинг жойлашуви шароитлари ёдгорликни планиграфик жиҳатдан талқин қилиш имконини ҳам бермайди. Афтидан, материалларнинг асосий қисми А.П. Окладников томонидан ўрганилган Тешик-тош материалларига яқин, яъни мусте даврига оиддир. Шунинг билан бирга, ёдгорликнинг биринчи горизонтидан олинган материаллар: тўғри елкали призматик пластина сўнги палеолит даври индустрияларини эслатади[45]. Қазишманинг турли хил чуқурликларидаги айрим, алоҳида топилмалар ғорни ибтидоий одамлар томонидан бир неча бор ўзлаштирилганлигини ва бироқ, бу ўзлаштиришлар қисқа муддатли, эпизодик ёки мавсумий бўлганлигини кўрсатади. Афтидан, ушбу ғор тешиктошлик овчиларнинг Ҳисор тизмаларидан Мачайдарёга ўтадиган транзит йўлдаги тўхташ жойи вазифасини ўтаган. Чунки, ушбу йўналишда Зараутолошсой орқали энг қисқа йўл ўтади. Узоқ муддат ва давомий яшаш учун ғорнинг ёнгинасида жойлашган Тешик-тош макони қулайроқ ҳисобланган ва бу археологик материаллар билан ўз тасдиқини топган.

Амир-Темир-1. Ушбу ғор Юқори-Мачай қишлоғидан 2,5 км ғарброқда, шу номли сойда жойлашган (А=273°), унинг абсолют баландлиги 1740 м. Ғор карстли келиб чиқишга эга бўлиб, узунлиги 70 м, эни 23 м ҳамда томининг баландлиги 3,8 м ни ташкил қилади. Ғорнинг оғзи шимоли-шарққа қараган. Ёдгорлик И.Ф. Ламаев томонидан очилган ва 1938-1939 йилларда А.П.

[45] Деревянко А.П., Ширинов Т.Ш., Анойкин А.А., Борисов М.А., Гладышев С.А. Исследование грота Тешик-Таш-2 (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий: Мат-лы Годовой сессии ИАЭт СО РАН 2003 г., посвящ. 95-летию со дня рожд. академика А.П. Окладникова. – Новосибирск: Изд-во ИАЭт СО РАН, 2003. – Т. IX, ч. I. – С. 101-105;

Окладников ва 1939 йилда Г..В. Парфенов томонларидан ўрганилган[46]. 1930 йилларда бу ердаги қазишмаларнинг умумий майдони 15 $м^2$ аирофида бўлган. Қашималарда учта маданий қатлам ажратилган, улардан иккитаси голоцен ва қуйидаги биттаси тахминан мусте даврига оид деб топилган (қазишмаларнинг ер сатҳидан чуқурлиги 1 м га етган). Бу ерда А.П. Окладниковнинг бироз қулаган ва шимолга йўналтирилган қазишмаси ғорнинг марказий қисмида жойлашган. Унинг шарқий девори томонидан қазиш ишлари 1х0,5 м га кенгайтилилди ва қазишманинг чуқурлиги 1,9 м га етказилди[47]. Умуман, Амир-Темир 1 ғорининг ғовак қатламлари (бу ерда 7 та стратиграфик горизонт ажратилган) жигаррангнинг турли тусларига оид лесли тупроқ ётқизиқларидан иборат. Қазишма кесмасидан қуйига қараб қатламларнинг ранги тўқ тцсга кириб боради ва намлик ортиб боради.

Қазишма ётқизиқлари бутун қалинлиги бўйлаб аҳён-аҳёнда қизғиш-жигаррангли линзага ўхшаш қатламлар билан кесилган ва уларнинг таркиби асосий қатламларникига ўхшашдир. Кесманинг энг пастки қисмида қумли ҳамда қайроқли тўлғазмаларга эга қатлам учрайди ва унинг ранги кулранг аралаш жигаррангли. Қатламдаги қайроқлар кичик ҳажмли ва бироз дефляцияга учраган. 3-қатламда (чуқурлиги ер сатҳидан 1 м) ҳажми 1 $м^2$ лик кўмир қолдиқларигина сақланиб қолган ва бузилган ўчоқ аниқланди. Гулҳандан бир нечта майда суяк парчалари ҳамда ўрта ҳажмли учиринди топилди ва улар тўқ рангли кремнийлашган охактошдан ишланган. Учириндининг зарб майдончаси текис ва дорсалидаги негативларнинг характери ортогонал характерга эга.

---

46 Окладников А.П. Амир-Темир, новый памятник каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) \\ КСИИМК. – 1940. – Вып. 6. – С. 67-69; Парфенов Г.В. Каменный период Сурхан-Дарьинской области УзССР (по материалам к археологической карте УзССР). – Термез, 1941.-(Рукопись, архив Археологического музея г. Термез (Узбекистан), дело № 167. – 23 п.л.);

47 Анойкин А.А., Гладышев С.А., Борисов М.А., Семин А.А. Археологическая разведка в районе хребта Байсун-Тау (Узбекистан). // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий: Мат-лы Годовой сессии ИАЭт СО РАН 2003 г., посвящ. 95-летию со дня рожд. академика А.П. Окладникова. – Новосибирск: Изд-во Ин-та археологии и этнографии СО РАН, 2003. – Т. IX, ч. I. – С. 18-26;

Амир-Темир 1 ғоридан 2003 йилда топилган ягона топилмадан ташқари, РФА СБ АЭИ омборларида А.П. Окладников қазишмаларидан олинган 47 та тош буюм сақланади. Улардан 25 таси тош синиқлари, 7 таси нуклеуусимон шаклли тошлар, 4 таси пластиналар, 7 таси учиринидилар ва 6 таси тош қуроллардир. Тўпламнинг тош қуроллари галкалардан ясалган. Барча буюмлар кулрангли кремнийлашган охактошлардан ишланган. Коллекциядаги йирик пластинасимон йўнилғининг медиал қисми сақланиб қолган ва унинг дорсали иккита параллел равишдаги негативлар билан қопланган, бироқ, унинг шакли субпараллел ва нотўғри дивергент кўринишга эга. тўпламнинг учириндилари орасида йирик ҳажмлилари кўпчиликни ташкил қилади (5 экз.), қолганлари эса ўрта ҳажмли. Ушбу буюмларнинг деярли барчасининг зарб майдончалари текис ва фақат биттасининг зарб майдончаси галкали қобиқ билан қопланган. Дорсалларининг характери параллел (3 экз.) ёки системасиз (3 экз.) кўринишда. учириндилардан бири бирламчи характерда.

Тўпламда 4 та нуклеуссимон бўлаклар ҳамда 3 та типологик жиҳатдан ёрқин нуклеуслар мавжуд. Ўзакларнинг барчаси узунасига параллел принципларда йўнилган характерга эга. Улардан бири тўртбурчак шаклли, юпқа, бир майдонли ва бир юзалидир. Унинг орқа тарафи табиий бўртиб чиққан (ҳажми 7,2х5,5х2,8 см). Ўзакнинг иш юзаси деярли тўлиқ ягона ва йирик узунчоқ йўнилғи негативи билан қопланган. Нуклеуснинг ўнг латералида иккита кичик, узунчоқ ва аморф йўнилғи негативлари мавжуд ва улар ўзакнинг иш юзасига қараб йўналтирилган. Ўзакнинг зарб майдони тўғри 80° бурчакли ва битта йирик йўниш ёрдамида ҳосил қилинган. Коллекциядаги иккинчи ўзак йирик, тўғри бурчакли ва кесмада учбурчаксимон, икки зарб майдонли ва бир иш юзалидир (ҳажми 40,5х12х7,5). Унинг зарб майдонлари тўғри, тахминан 80° бурчакли ва айрим йирик йўнишлар ёрдамида ҳосил қилинган. Нуклеуснинг йўнилғилари қарама-қарши йўналтирилган турли ҳажмли негативларга эга. Нуклеуснинг

иш юзаси тўғри шаклли ва унинг ўнг латерали томонидан иш юзага йўналтирилган майда ёнлама текисловчи негативлар мавжуд. Ўзакнинг орқа тарафи бўртган ва қисман галкали қобиқ билан қопланган. Колекциянинг учинчи ўзаги икки иш юзали бир зарб майдонлидир[48]. У ўрта ҳажмли ва кубсимон ҳамда ягона йўниш ёрдамида ҳосил қилинган, йирик зарб майдони текис (6х6,5х6,5 см). Синиш бурчаги тўғри бурчакка яқин. Нуклеуснинг ягона зарб майдонидан бироз бўртган, юза бўйлаб турли ҳажмдаги тўғри бурчакли иккита йўнилғилар чақмоқлаб олинган. Ушбу буюм протопризматик нуклеусларга яқин кўринишга эга. унинг пастки тор қисми қисман галкали қобиғини сақлаб қолган.

Амир-Темир 1 ғорининг тош қуроллари (6 экз.) асосан қирғувчи инструментлардан иборат[49]. Улардан бири дорсал тарафидан узунасига ишланган йирик иккиёқлама қирғич бўлиб, ўрта ҳажмли, юпқа ва квадрат шаклли тош бўлагидан ишланган. Унинг икки қарама-қарши қиррасидан майда ва ўрта ҳажмли кенг модификацияловчи серияли йўнишлар ёрдамида қирғувчи қирра ҳосил қилинган ва ушбу қирра қўшимча майда ва ўрта ҳажмли кам модификацияловчи узлукли. дорсалга йўналган, вертикал тангачасимон ретушлар билан ишлов берилган. Унинг кўндаланг қирраларидан бири нисбатан юпқа иккиёқлама майда ва кенг йўнишлар ёрдамида текисланган ва тўлқинсимон шаклга эга. Яна бир қирғичсимон қурол катта трапециясимон тош бўлагидан ишланган (12,5х12,5х6 см). Унинг қирраларидан бирида майда ва кенг ҳажмли модификациловчи йўнишлар ёрдамида бироз эгик қирғувчи қирра ҳоссил қилинган. Ушбу иш қирра бир қатор дорсалга йўналтирилган вертикал тишсимон ретушлар билан қўшимча ишлов берилган. Тўпламдаги иккита қирғичсимон қуроллар ҳам

---

[48] Анойкин А.А., Гладышев С.А., Памятники каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) // Археология и палеэкология Евразии. – Новосибирск: Изд-во Ин-т археологии и этнографии СО РАН, 2004. – С. 33-42; Анойкин А.А., Гладышев С.А., Борисов М.А., Семин А.А. Археологическая разведка в районе хребта Байсун-Тау (Узбекистан). // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий: Мат-лы Годовой сессии ИАЭт СО РАН 2003 г., посвящ. 95-летию со дня рожд. академика А.П. Окладникова. – Новосибирск: Изд-во Ин-та археологии и этнографии СО РАН, 2003. – Т. IX, ч. I. – С. 18-26;
[49] Кўрсатилган адабиёт. – Б. 38;

қизиқарлидир ва уларни ясашда трапециясимон юпқа галкалардан фойдаланилган[50]. Улардан бирининг бироз бўртган ва энсиз қирраси турли ҳажмдаги юпқа йўнишлар серияси ёрдамида ишлов берилган, натижада, галкада нотекис ва 45° га эгик иш қирра ҳосил бўлган. Галканинг қарама-қарши қирраси тўғри ва қалин шаклда.

Тўпламда ўрта ҳажмли ва тўғрибурчакли тош бўлагининг уч қисмида ишланган қиричча ҳам мавжуд. Унинг тўғри иш қирраси тановорнинг тор ва қалин қирраларидан бирида турли ҳажмли вертикал ҳамда модификацияловчи бир қатор ретушлаш ёрдамида шакллантирилган. Ушбу тош қурол макроқирғиччалар қаторига киритилиши мумкин. Бундан ташқари, Амир-Темир 1 индустриясида бир дона тешгич (шиповое орудие) қурол ҳам бор. Уни ясашда тановор сифатида йирик ва юпқа трапециясимон табиий йўнилғидан фойдаланилган. Унинг нисбатан узунроқ. табиий учли бурчаги серияли, қарама-қарши, майда ва кенг модификацияловчи йўнишлар ёрдамида ишлов берилган; уларнинг негативлари қатма-қет бўлиб, улар йирик ва юмалоқ бўртик ҳосил қилади ҳамда ушбу бўртмада уни ишлатишдан қолган тартибсиз излар мавжуд.

Мезолит даври-Дунё палеолитшунослари бирмунча вақт мобайнида сўнгги тош асри билан неолит даври ўртасида боғловчи яна бир тарихий давр мавжуд бўлганлигини фараз қилишган ва мазкур давр – мезолит ҳақидаги дастлаьки маълумотлар XIX охири ва XX аср бошларида пайдо бўлган. Шунга қарамасдан яқин кунларгача Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда мезолит даври жамоалари моддий маданияти яхши ўрганилмаган даврлардан бири ҳисобланарди[51]. Б.З. Гамбург, Н.Г.

---

[50] Анойкин А.А., Гладышев С.А., Памятники каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) // Археология и палеэкология Евразии. – Новосибирск: Изд-во Ин-т археологии и этнографии СО РАН, 2004. – С. 33-42;

[51] Окладников А.П. Изучение древнейших археологических памятников Туркмении \\ КСИИМК. № 28. 1949. -С.121. Окладников А.П. Древнейшие археологические памятники Красноводского полуострова \\ Труды ЮТАКЭ. Т. 2, М.: 1951. -С. 7. Окладников А.П. Палеолитичекое время на Тяньшане и Енисее \\ История Киргизии Т. 1. Фрунзе. 1956. -С. 145. Окладников А.П. Работы палеолитического отряда в 1958 г. (предварительное сообщение) \\ Известия АНУзб.ССР. серия общественных наук. № 4. Ташкент. 1958. -С. 135.

Горбунова, Ю.А. Заднепревский, Ў.И. Исломов, В.И. Тимофеев каби олимларнинг изланишлари туфайли Марказий Фарғонада, Е.Б. Бижанов ва А.В. Виноградов томонидан Қизилкумда Устюрт платосида М.Ж. Жўрақулов, Н.У. Холматовлар томонидан Ўрта ва Қуйи Зарафшон вохасида кўплаб мезолит даври маконлари топилди ва натижада, бу давр ёдгорликларининг турли-туман маданий даврий таҳлили (интерпретацияси) ҳақида фикр юритиш имконияти туғилди[52].

Ҳозирги кунда Ўрта Осиёда 30 га яқин стратиграфиялашган ва 200 дан зиёд топилма жойлар аниқланиб, шулардан катта қисми Ўзбекистон ҳудудларига тўғри келади (27-расм). Қайд этилган ушбу ёдгорликларни икки гуруҳга ажратиш ва биринчи гуруҳ ёдгорликларига Обишир 1-5, Мачай ва Қўшилиш Ўрта Зарафшонда Қоракамар, Очилғор маконларини киритиш мумкин; иккинчи гуруҳга очиқ типдаги ёдгорликлардан: Айдабол 25, Лавлакон 24 Зарафшонда Чорбоқти ёдгорликлари ва бошқалар киради. Бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам мезолит даври ёдгорликлари хронологик жиҳатдан илк ва сўнгги даврларга ажратилган. Бироқ юртимиздаги бу давр материалларининг аксарияти сўнгги мезолит даври билан саналанади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг мезолит даври[53] ёдгорликлари нисбий хронологияси стратиграфиялашган ғорлар (Дам-Дам-Чашма 1 ва 2, Кайлю, Жебел, Обишир 1-5, Тош-Кўмир, Истиқ), харсанг айвонлар (Оқ- Танга, Даран-Шўр) ҳамда очиқ ёдгорликлар (Ошхона, Туткаул, Сай-Сайёд, Қўшилиш) ва бошқалар асосида аниқланади[54]. Абсолют саналаш эса, радиоуглерод услуб ёрдамида амалга оширилган (Учаши, Мачай). Умуман

---

[52] Виноградов А. В. Древные охотники и рыбаловы Среднеазиаского междуречья. М. 1981. –С. 14. Джуракулов М. Д. Каменный век Зарафшанской долины. Самарканд. 1992. -С. 40. Холматов Н. У. Мезолит и неолит Нижнего Зарафшана., Т., Фан., 2007. -С. 27-44.. Исламов У. И. Обиширская культура,Т. 1980.-С. 17. Исламов У. И. Пещера Мачай. Т. 1975.-С. 76.

[53] Борисковский П.И Палеолитические местонахождении в Туркмении\\ КСИИМК. Вып. 18. 1947. -С. 38.

[54] Исламов У.И. К вопросу о локальных вариантах эпохи мезолита и неолита в Узбекистане\\Каменный век Средней Азии и Казахстана. Тез. Докладов. Ташкент, 1972. -С. 44-45. Исламов У.И. мезолитические памятники Ферганской долины \\ ИМКУ № 9. Ташкент, 1972а. -С. 9. Исламов У.И. Мезолит Средней Азии \\ Автореф. дис-С. док. ист. наук. Новосибирск, 1977. -С. 40.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг мезолит даври эрамиздан аввалги XI-VII минг йилликларни ўз ичига олади[55].

Ҳозирда мутахассислар томонидан мезолит даври ёдгорликларини маданиятларга ва вариантларга ажратиш ҳоллари содир бўлмоқда. Масалан, Г.Ф. Коробкова томонидан Марказий Фарғона мезолитини алоҳида маданиятга ажратиш таклиф этилган[56]. Кейинчалик, Г.Ф. Коробкова Марказий Фарғона мезолитини иккита вариантга: Фарғона текислик ва Обишир ғор манзилгоҳларига ажратган, аммо уларнинг ўзаро маданий алоқалари масалалари тушунтирилмаган. Бироқ, Ў.И. Исломов[57] томонидан Обишир 1-5 ёдгорликлари материаллари илмий таҳлил қилиниб, уни алоҳида Обишир маданиятига ажратилади ва у номаълум сабабларга кўра Фарғона мезолит коплекслари орасида жойлашади[58]. Шунингдек, Ў.И. Исломов томонидан яна иккита Тошкент ва Сурхондарё маданиятлари ажратилади, бироқ, бу ҳар иккала маданиятга ҳам биттадан ёдгорлик киритилади. Тошкент маданиятига Қўшилиш, Сурхондарёга Мачай ёдгорликлари киритилган[59]. В.А. Ранов томонидан баланд Помир тоғлари ёдгорликлари учун Маркансуй маданиятининг таклиф этилиши ўзига хослиги билан

---

[55] Романова Е.Н., Семенцов А.А., Тимофеев В.И. Радиоуглеродные даты образцов из Средней Азии и Казахстана. Лаборатоии ЛОИА АН СССР \\ УСА. М. 2. 1972. -С. 58. Марков Ю.Н., Образцов В.А. Датирование древних памятников Туркмении и соседних областей методом падиокарбонового анализа \\ ИАН Туркмении. Серия общест. Наук №6. М.: 1981. -С. 74-77. Ранов В.А. Памир и проблема заселения высокогорной Азии человеком каменного века \\ страны и народы Востока. № 16. 1975. -С. 34. Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья \ ТХЭ. 13. М.: 1981 -С.48. Исламов У.И. Обиширская культура. Ташкент. 1980. -С. 60.

[56] Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйство неолитических племен Средней Азии \\ МИА. М. 158. 1969. --С. 58.

[57] Исламов У.И. мезолитические памятники Ферганской долины \\ ИМКУ № 9. Ташкент. 1972а. -С. 27.

[58] Исламов У.И. Мезолит Средней Азии \\ Автореф. Док. Дис-С. Новосибирск. 1977. -С. 40.

[59] Исламов У.И. мезолитические памятники Ферганской долины \\ ИМКУ № 9. Ташкент. 1972а. -С. 11. Исламов У.И. К вопросу о локальных вариантах эпохи мезолита и неолита в Узбекистане \\ ИМКУ 11. 1974а. -С. 23. Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент. 1975а. -С. 176. Исламов У.И. К выделение ловальных вариантов мезолита Узбекистана \\ ИМКУ, вып. 12. Т.: 1975б. -С. 15. Исламов У.И. Мезолит Средней Азии \\ Автореф. дис-С. док. ист. наук. Новосибирск. 1977. -С. 40. Исламов У.И. Мезолит Средней Азии \\ Автореф. дис-С. док. ист.наук. Новосибирск. 1977. -С. 24.

ажралиб туради[60]. Ушбу муаллиф ва унинг ҳаммуаллифлари томонидан кейинчалик Вахш маданияти тушунчаси илгари сурилган[61].

Мачай ғори Сурхондарё водийсидаги Мачайдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ёдгорлик 1938-1942 -йилларда Г.В. Парфёнов томонидан очиб ўрганилган. 1937 -йили ғорга М. Э. Воронец ва А.П. Окладниковлар ташриф буюришди[62] ва ёдгорликда мусте ва мезолит даврларига оид иккита маданий қатламни аниқладилар. 1970-1971 -йилларда ёдгорлик Ў.И. Исломов томонидан қазиб ўрганилди ва ундаги маданий қатламлар фақат мезолит бир даврига оидлигини илмий жиҳатдан исботлади[63]. Ғордан хонаки ва ёввойи ҳайвонларга тегишли суяк қолдиқлари, кўплаб тош ва суякдан ишланган буюмлар топилган. Мачайнинг юқори қатлами учун радиоуглерод саналаш амалга оширилган ва у 7550±110 йил натижани берган ва бу Ў.И. Исломовнинг фикрича, сўнгги мезолит даврига тўғри келади[64]. Г.Ф. Коробкованинг фикрича, Мачай ётқизиқлари санаси бироз қадимийлаштириб юборилган ва бунга аниқлик киритилиши лозим[65]. Мачайнинг индустрияси асосан доломит ишлатилгани билан характерланади ва унда микролит чақмоқлаш техникасида ишлатилган кам сонли чақмоқтош ҳамда галкалар ҳам учрайди (28-расм). Иккиламчи ишлов беришда ўтмаслаштирувчи ретуш кўп қўлланилган. Қуроллар орасида микроқирғиччалар, пластиналар учларидан ясалган қирғиччалар, учириндилардан ишланган қирғичлар, тош рандалар, турли кесгичлар ва микропойнаклар мавжуд. Тўпламда галкали қуроллардан чопперлар ва чоппинглар учрайди.

---

[60] Ранов В.А. Итоги разведок памятников каменного века на Восточном Памире (1956-1958 гг.) \\ МИА. 124. М-Л. 1964. -С. 78.

[61] Ранов В.А., Юсупов АХ., Филимонова Г.Г. каменный инвентарь стоянки Дараи-Шур и его культурные связи \\ Культура первобытной эпохи Таджикистана (от мезолита о бронзы). Душанбе. 1982. -С. 12.

[62] Окладников А.П. Следы каменного века в районе Термеза \\ Термезская археологическая экспедиция. Ташкент. 1945. -С. 39.

[63] Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент. 1975а .-С. 30.

[64] Исламов У.И. К вопросу о локальных вариантах эпохи мезолита и неолита Узбекистана\\ ИММКУ 11. 1974а. -С. 30. Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент. 1975а. -С. 106.

[65] Коробкова Г.Ф. Проблемы культурно-исторического и хозяйственного развития населения древнего Дагестана. М. 1982. -С. 158.

Суякдан ясалган қуроллар орасида бигизлар, пардозлагичлар, ғилоф, пичоқ ва шокилалар топилган(29-расм). Ў.И. Исломовнинг фикрича, Мачай материаллари Обиширникига ўхшашдир[66]. Г.Ф. Коробкованинг таъкидлашича, Мачай материаллари кўп сонли микропластинкалари ва ўрта пластиналарининг борлиги ва геометрик қуролларнинг йўқлиги сабабли уни Марказий Фарғона илк неолити тўпламлари билан таққослаш мумкин[67]. Аммо, Мачай қатламларида ўзига хос қайроқтошли қуролларнинг ва суякдан ишланган буюмларнинг мавжудлиги уни қайроқтошли индустрияларга эга неолит даври ёдгорликлари билан яқинлигини кўрсатади. Ёдгорликнинг неолит даврига оидлигини ундан олинган фаунистик таркиб ҳам кўрсатиб туради, чунки улар орасида хонаки сигир суяклари мавжуд. Бундан ташқари, қатламларнинг эр. ав. 5600 йиллар билан белгиланган радиоуглерод санаси ҳам уни неолитга оид дейиш имконини беради ва бу унинг Жайтун маданияти[68], дарёсой комплекслари[69] ва ҳисор маданиятлари[70] билан тенгдош эканлигини кўрсатади.

Сурхондарё ҳудудларидан тадқиқотчилар томонидан мезолит даври билан саналанган алоҳида пунктлар ҳам аниқланган[71]. Бунга Айртом антик давр шаҳар харобаси атрофидан, Эски Термиз яқинидан йиғиб олинган материалларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу йиғилган коллекциялар пластинкалар ва микропластинкалар учун мўлжалланган қаламсимон (карандашавидние) ҳамда призматик нуклеуслар, қирғиччалар, қирғичлар, йирик пайконлар, кесгичлар, ретушланган учиринди ва

---

[66] Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент, 1975а. -С. 36.

[67] Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйство неолитических племен Средней Азии \\ МИА. М. 158. 1969. -С. 127-142. Исламов Г.Ф., Тимофеев В.И. Культура каменного века Централной Азии. Ташкент. 1977. -С. 10-12.

[68] Массон В.М. Поселение Джейтун \\ МИА. М. 180. 1971. -С. 142.

[69] Виноградов А.В. Охотники и рыболовы среднеазиатского междуречья. М. 1981. -С. 64-78.

[70] Ранов В. А. Неолит Гиссарская культура. В кн.: История Таджикиского народа. Том I., Душанбе. 1967. -С. 105-123.

[71] Парфенов Г.В. Следы древнейших культур на городищк Айртам \\ ИМКУ, № 2. Ташкент. 1961. -С. 15. Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент 1975а. -С. 10. Окладников А.П. Следы каменного века в районе Термеза \\ Термезская археологическая экспедиция. Ташкент. 1945. -С. 243. Исламов У.И. . Пещера Мачай. Ташкент. 1975а. -С.11.

пластиналардан иборат. А.П. Окладников ва Ў.И. Исломовлар уларни генетик жиҳатдан Самарқанд макони ва Обишир 1-5 ёдгорликлари билан боғлайдилар ва бу Сурхондарё материалларини мезолит даври билан саналаш имконини беради[72].

Тош асрида ишланган қоя тош суратларини сақлаб қолган ёдгорликларидан яна бири бу - Сурхондарё вилоятидаги Зараутсой атрофида жойлашган[73]. Зараутсой дараси Кўҳитангтоғнинг шимоли-шарқий этакларида, Термиз шаҳридан 110 км шимоли-ғарбда, Шеробод тумани ҳудудида жойлашган. Даранинг ўнг томонида қатор ғорлар ва ҳарсанг тошлардан иборат айвонлар мавжуд бўлиб, уларнинг деворларига ва томларига қизил охра билан қадимий расмлар чизилган. Бу жойдаги тўртта ғорда суратлар аниқланган бўлиб, биринчи ғорда бешта, иккинчисида ўнта ва учинчисида учта расм топилган. Тўртинчи ғор бошқаларига нисбатан йирикроқ, баландлиги 1,5 м, кириш қисмининг баландлиги 3, 25 м, эни 4,5 м ва чуқурлиги 2 м га етади. Ғор маҳаллий халқ тилида Зарауткамар деб номланган ва сарғиш оҳактошдан таркиб топган. Бу ердан 100 дан зиёд турли ва қадимий суратлар топилган. Улар одамлар, ҳайвонлар ҳамда тушунарсиз тасвирлардан иборат. Бу расмлардан бирида ҳўкиз овлаш манзараси акс эттирилган. Композицияда жами 20 та тасвир бўлиб, шундан 19 таси одамлар (улардан 4 таси стиллаштирилган ҳолатда тасвирланган). Учта овчи камонлар билан қуролланган бўлиб, ўқларини ҳайвонга қаратган ҳолатда чизилган. Қолган суратдаги одамлар танасининг пастки қисмига қараб кенгайиб борадиган ва юқори қисмига келиб кескин тораядиган ғалати кийимларда тасвирланган. Уларнинг бўйинлари узунчоқ қушнинг бўйнини эслатади ва умуман, бу одамлар арчасимон шаклда чизилган. Айрим овчиларнинг қўлида Г-шаклидаги предметлари бор ва бумеранг ёки бошқа рангларда

[72] Исламов, Мезолитические памятники Ферганской долины \\ ИМКУ. 9. Ташкент. 1972б. -С. 9. Окладников А.П. Следы каменного века в районе Термеза \\ Термезская археологическая экспедиция. Ташкент. 1945. -С. 12. Исламов У.И. Пещера Мачай. Ташкент 1975а. -С. 11.

[73] Кўрсатилган адабиёт.-Б. 75

тасвирланган.Композицияда марказий фигура бу ҳўкиз тасвири бўлиб, у анчайин реал тарзда чизилган. Ҳўкиз яраланган ва камон ўқлари танасига санчилган ҳолатда тасвирланган. Бу композиция нафақат ов манзараси, балки ҳўкизнинг икки тарафига бўлинган ҳолатда турган одамлар ҳамда улардан бирининг яраланганлигини ҳисобга олсак, расмни икки рақиб гуруҳнинг ўлжа учун бўлган қонли туқнашуви, деб ҳам қараш мумкин. Бошқа композицияларда жайрон, ит, тулки, эчки ва асосан ҳўкизларнинг ҳаракатдаги суратлари ва уларга ов қилиш манзаралари тасвирланган. Зараутсой суратлари орасида ички қисми нуқталар билан ўралган ёпиқ айлана тасвири ҳам бўлиб, бу қопқон деб талқин қилиниши мумкин[74].

Зараутсой суратларини биринчи бўлиб ўрганган Г.В. Парфёнов уларни бешта даврга: палеолит, мезолит, неолит, бронза ва сўнгги даврларга ажратган[75]. Бу фикр, рассом Ю.А. Рогинская томонидан қўллаб қувватланган ва у ушбу суратларни Италия ва Африканинг палеолит даври қоя тош суратлари билан ўхшашлиги таъкидланган[76]. Бошқа бир тадқиқотчи, А.А. Формозов эса, Зараутсойнинг энг қадимги суратларини мезолит, неолит ва энеолит даврларига хослигини таъкидлаган[77]. А.А. Формозов бу суратларни палеолит даври билан саналашга кескин қарши чиқиб, расмлардаги ўқ-ёй ва итлар мезолит давридан аввал бўлиши мумкин эмас, деган оқилона фикрни билдиради[78].

---

[74] Парфенов Г.В. Первобытные художники, - “Фотогазета”, № 6-7. Ташкент. № 6-7. 1945. –С. 4-5.

[75] Парфенов Г.В. Картинная галарея первобытного искусства // Следопыт Средней Азии. Ташкент, 1963, -С. 201. Рогинская А. Зараутсай. М-Л.: 1950.-С. 8.

[76] Формозов А.А. Книга о древней наскальной живописи в Узбекистане // СЭ, № 4. 1951. -С. 214.

[77] Формозов А.А. О наскальных изображениях Зарауткамара в ущелье Зараут-сай. – СА. 1966, № 4. М.: 1966. -С. 22.

[78] Кўрсатилган адабтёт. -Б. 23.

## II БОБ. ВОДИЙНИНГ ЖЕЗ ДАВРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ

Сурхондарё воҳасининг кенг ва хилма хил географик иқлим шароити, унинг аҳолиси ишлаб чиқариш хўжалик шаклларида ўз аксини топган ва кўп ҳолларда уларнинг тарихий ривожланиш йўлларини олдиндан белгилаб берган. Шу боис, бронза даври ёдгорликлари тоғ олди ҳудудлари ва тоғлар оралиғидаги воҳаларида, дарё ҳавзаларида жойлашган. Жанубий Ўзбекистон ҳудудий доирасида, унинг табиий – географик иқлим шароитига кўра, мил.авв. II минг йилликда қатор катта ва кичик ҳажмдаги деҳқончилик воҳалари шаклланган. У воҳаларда ҳозирги кунда бир нечта ўтроқ деҳқончилик маданияти ёдгорликлари борлиги аниқланган ва ўрганилган. Шимолий Бақтриянинг Тожикистон қисмида эса, асосан бронза даврининг чорвадор қабилалари яшаган ҳамда унинг Жанубий Ўзбекистонга чегарадош ҳудудларида бронза даврининг сўнгги босқичларида қадимги деҳқончилик билан шуғулланган қабилалар яшаганликлари ҳақида гувоҳлик берувчи ёдгорликлар ҳам топилган(30-расм).

Юқорида таъкидлаганимиздек, Жанубий Ўзбекистон ҳудудида бронза даврига оид бир неча қишлоқлар ва шаҳармонанд қишлоқ аҳолисининг қабристонлари топиб ўрганилган. Улар асосан Кўхитанг ва Бойсун тоғининг жанубий – шарқий тоғ олди ҳудудларига ва тоғ оралиғидаги водийларга жойлашган. Уларни академик А.Асқаров, Э.В.Ртвеладзе, профессор А.Сагдуллаев, т.ф.д. Ш.Шайдуллаевлар ҳар бири ёдгорликларнинг ҳудудий жойлашишига кўра, бир неча деҳқончилик воҳаларига бўлиб, ўзларининг қарашларини баён этадилар.

Жанубий Ўзбекистон ҳудудида ўрганилган бронза даври ёдгорликлари асосида уни иккита йирик қадимги деҳқончилик воҳаларига ва битта тоғ водийси кичик воҳаларига ажратиш мумкин.

Иккинчидан, ҳар бир бронза даврининг йирик деҳқончилик воҳасида дарё ва уларнинг ҳавза тармоқлари асосида бир нечтадан кичик воҳалар таркиб топган. Ёдгорликларни районлаштиришда уларнинг географик

жойлашиш номларидан келиб чиқилган. Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида эр. авв. II минг йилликнинг бошларида деҳқончилик маданияти шаклланган, ҳунармандчилик ривожланган. Бу мадания тарих-археология фанида Сополли маданияти деб аталади. Сополли маданиятининг Сурхон воҳасида сақланиб қолган асосий ёдгорликлари Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон, Молали ва Тиллабулоқ тепаликларидан иборат. Бу ёдгорликларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг илмий ходимлари томонидан археологик қазув ишлари олиб борилмоқда.

Сополлитепа ёдгорлиги Сурхондарё вилоятининг Шеробод чўлини кесиб ўтган Ўланбулоқ сой ёқасига жойлашган (Музрабод тумани) бронза даврига оид археологик ёдгорлик. У 1968 йилда археолог Л. Альбаум томонидан кашф этилган. 1969-1974 йилларда археолог А.Асқаров томонидан ўрганилган. Сополтепани майдони тахминан 3 га. Сополлитепа ёдгорлиги Музробод туманининг Уланбулоқсой этагида жойлашган ва яҳлит бир геометрик қурилиш усулида бунёд этилган. Бу ёдгорлик квадрат шаклда бўлиб, унинг ўлчамлари 82х82 м. ташкил қилади. У уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Мудофаа деворлари Т шаклида қурилган бўлиб, ундан алдамчи кириш дарвозалар ясалган. Аслида, қалъанинг ҳақиқий дарвозаси битта бўлиб, у ташқи кўринишдан алдамчи дарвозалардан фарқ қилмайди. Натижада душманнинг қалъага кириш дарвозасини топиши даргумон бўлган. Сополлитепа манзилгоҳини умумий майдони қалъа-қўрғон ва унинг ташқарисида жойлашган турар-жой масканлари билан тахминан 3 гектарни ташкил этади[79]. Унинг 1 гектарга яқин марказий қисмини мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги қазишмаларга қадар ҳам кўзга ташланарди, яъни тепанинг устки қисмида мудофаа деворларининг, уй-жой комплекслари ва уларни оралаб ўтган тор кўчаларнинг йўналиши шундайгина кўриниб турарди. Қалъа атрофидаги майдоннинг катта қисми бузилиб, пахта далаларига айлантирилган. Замоннинг зайли билан тепанинг

[79] Аскаров А.А. Сапаллитепа. 1973.

устки қисмида сопол синиқлари қалашиб ётганлиги учун у маҳаллий аҳоли орасида сополлитепа деб аталган.

Сополтепада ўтказилган кўп йиллик кенг кўламли археологик қазишмаларнинг натижасига кўра, унинг марказий қисми квадрат (82х82 м.) шаклида қурилган қалъадан иборат(31-расм). Қалъанинг томонлари гўё 3 қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Аслида эса, Қалъани ўраб олган деворлар системаси ички ва ташки коридорсимон блоклардан ташкил топган бўлиб, қалъа ташки мудофаа чизигида томонларга параллел қилиб 8 та коридорсимон блоклар жойлаштирилган. Қалъанинг ички мудофаа чизигининг марказига ва ҳар тўрт томон бурчақларига биттадан, ҳаммаси бўлиб 8 та коридорсимон блоклар жойлаштирилган. Коридорсимон блоклар системасининг жойлашиш режасига кўра, Қалъага кириш дарвозаси ҳам гўё 8та. Аслида эса ҳақиқий дарвоза қалъа жанубий томонининг марказига жойлашган, қолган «дарвозалар» ҳарбий ҳавф туғилганда қопқон вазифасини бажарган. Қалъанинг ички мудофаа системасида, коридорсимон блоклар оралигида, ҳар томонда иккитадан квадрат шаклида қурилган хоналар бўлиб, уларга қалъа ички томонидан эшик очилган. Айнан ана шу хоналар томон қалъа ичига жойлашган уй-жой комплекслари оралаб тор кўчалар ўтган. Қалъа ичидаги уй-жой комплекслари унинг ички деворлари бўйлаб жойлашган. Улар ана шу кўчалар орқали 8 та кварталларга бўлинган. Қалъа марказида эса очиқ майдон бор. Қалъа дарвозасидан бошланган кенг йўл ва тор кўчалар ана шу майдон билан боғланган. Буларнинг барчаси Сополлитепа жамоаларининг мудофаа системасини ташкил этган. Бундай мураккаб меъморий иншоат олдиндан ўйланган аниқ режа ва ғоя асосида қурилган. Сополлитепа қалъа қўрғонининг меъморий тарҳи протошаҳар таркибини эслатади, уни маҳсус ўйлаб топилган мудофаа режаси эса амалий тажрибадан келиб чиқиб, қалъа бош плани ғоясига қатъий бўйсундирилган.

Айнан, мана шундай мудофаа системаси Сополлитепа ҳавфсизлигини юқори даражада таъминлай олган.

Сополлитепа мудофаа системасини ташкил этган узун коридорлар дастлаб мудофаа иншоати функциясини бажарган. Қачонким, уларга мудофаа иншоати сифатида талаб сўнгач, секин-аста бошқа мақсадларда фойдаланилган. Масалан, шимолий ва шарқий ички коридорлар квартал хилхонаси сифатида фойдаланилса, ғарбий ва жанубий коридорлар кулолчилик устахоналари сифатида фойдаланилган. Ҳар бир кварталда уруғ жамоаларининг хилхоналари бўлиб, марҳумалар мудофаа деворлари остига, уйларнинг поли остига кўмилган. Уруғ бошлиқларининг мозори эса, одатда, оила ўчоғи рўборасида учратилади.

Сополлитепада ўтказилган қазиш жараёнида 150 дан ортиқ уй-жой комплекслари очилди. Уларни кварталлар бўйича таксимлаганда ҳар бир квартал майдонига 15-20 тагача оилавий уй-жой комплекслари тўғри келади. Лекин улар бир вақтда бунёд этилмаган. Сополлитепада одамлар қанча вақт яшаганлигини ўрганиш мақсадида унинг ҳар хил жойларида шурфлар солинди. Шурф кесмаларига кўра, мудофаа иншоатлари ва уй-жой комплекслари хеч қандай фундаментсиз материк устига қурилган. Хатто, юқори горизонтга тегишли уй-жойлар ҳам фундаментсиз қалин маданий қатлам устига қурилган. Оилавий уй-жой комплекслари кўп хонали бўлиб, ҳар бир оилага қарашли кўп хонали уйнинг бири девори остида мўрили ўчоқ, иккинчисида сандал ўрни ёки тоза кулли алтар чуқурчаси, учунчиси эса омборхона сифатида фойдаланилган. Булар оила бирлигини онглатувчи муҳим белги эди. Бир неча шундай оила бирликлари катта патриархал уруғ жамоасини ташкил этган. Сополлитепа ана шундай катта патриархал уруғ жамоаларидан 8 тасини бирлаштирган қишлоқ жамоаси эди. Сополлитепа уйлари ва мудофаа иншоатлари сомон қўшилган хом ғиштлардан қурилган. Уй деворлари андавалар ёрдамида силлиқ қилиб суволган. Ижтимоий характердаги хона деворлари эса нафақат андава ёрдамида пардозланг балки силлик сувоқ устидан ҳоваранг ўхра қўшилган оҳак билан оқлаб чиқилган.

Ҳар бир патриархал жамоа квартали қошида уларнинг кундалик эхтиёжидан келиб чиққан ҳолда кулолчилик хумдони ва металл эритиш устахоналари мавжуд. Хоналарнинг баъзи бирлари тўқимачилик мақсадларига мослаб қурилган. Улар кенг ва узун бўлиб, тўқув дастгоҳини ўрнатишга мўлжаллаб қурилган. Ана шундай хоналарда урчуқ тошлар, суяк тороқлар, тош ва сопол гирялари кўпроқ учратилган. Сополлитепада тўкимачилик ипак, пахта ва ҳайвон юнги хом ашёси асосида қурилганлиги ҳақида далолат берувчи топилмалар бор.

Сополлитепа сополлари чархда ясалган, икки ярусли хумдонда пиширилган. Улар нафис, жарангдор, нақшсиз. Кулоллар сопол ишлаб чиқаришда асосий эътиборни пропорция ва шаклга қаратган. Шу боис, кулолчилик маҳсулоти жуда сифатли ва хилма-хил. Улар узун оёқли вазалар, конуссимон косалар ва нимкосалар, қадаҳлар ва хурмачалар, кўза ва кўзачалар, хум ва хумчалар, чайнак ва пиёлалар, тоғора ва лаганлардан иборат.

Сополлитепада бронзадан қирғич ва пичоқлар, болта ва тешалар, игна ва бигиз, искана ва ранда тишлари, кўзгу ва мухр, сурмадон ва хилма хил идишлар, тақинчоқлар-билак узук, соч турмалагичлар, сирға ва узуклар, тиллақош ва қош тергичлар ишлаб чиқарилганки, уларнинг намуналари сополлитепа ашёвий далиллар коллекциясида бир неча нусхадан топилган. Сополлитепа қалъа-қўрғони ташқарисидаги турар-жой мажмуаларининг ҳам маълум қисмлари Шеробод чўлини ўзлаштириш вақтида бузиб ташланган.[80] Қалъа ичида 8 та маҳалла жойлашган бўлиб, улар алоҳида-алоҳида қурилган ва йўлаклар орқали боғланган. Сополлитепа аҳолисини урф-одатига кўра мурда уй поли ёки девори тагига дафн қилинган. Мурда қабрга она қорнида қандай ётса, яъни оёқ-қўллари букилган ҳолда, эркаклар ўнг, аёллар эса чап биқини билан кўмилган. Мурда билан бирга озиқ-овқатлар билан

---

[80] Аскаров А. Сапаллитепа. – Ташкент, Фан. 1973. – С. 9-12.

тўлдирилган ҳар хил сопол идишлар, тақинчоқлар, қурол-аслаҳалар ёки иш қуроллари қўшиб кўмиш одат бўлган.

Сополлитепа аҳолиси деҳқончилик, ҳунармандчилик, меъморчилик ва овчиликда "устаси фаранг" бўлганлар. Улар ясаган кулолчилик буюмларининг сифат даражаси ҳозирги замон сопол буюмларидан деярли фарқ қилмаслиги, зероки улар яшаган давр билан бизнин 3700-3500 йиллик вақт ажратиб туради.[81]

Сополлитепада 158 та мозор очилган. Уларнинг деярли барчаси бизгача ўғирланмай, уларга қўйилган ашёвий далиллар бут-бутунигача бизгача етиб келган. Қабрлар ҳозирги замон қабрларидан фарқ қилмайди: айвонча, айвончани ғарбий четида, ундан пастроқда лаҳат-жасадхона, унинг ғиштлар билан беркитилган. Айвонча лаҳатдан чиққан тоза тупроқ билан тўлгизилиб усти сувоб қўйилган. Биргина фарқи: сополлитепа лаҳатлари кенгроқ, қабр оғзига яқин бўш майдонга турли идиш-товоқлар, меҳнат ва ҳарбий қуроллар, тақинчоқ ва безаклар ва бошқа предметлар қўйилган. Лаҳатда эркаклар гужанак ҳолда ўнг томони билан, аёллар эса чап томони билан ётқизилган. Ҳар икки жинс ҳам кафанда эмас, балки ҳаётлик вақтидаги байрамона кийимда кўмилган. Эркаклар мозорида меҳнат ва ҳарбий қуроллар, аёллар қабрида турли хил тақинчоқ ва безакклар учрайди. Мозорлардан топилган предметлар таркибига қараб, марҳум ва марҳумаларни касби-корини аниқ айтиш мумкин. Демак, сополлитепалилар эътиқодига кўра, улар «нариги» дунёда ҳам яшашда давом этишларини тасаввур қилганлар. Мозордаги предметларни «бой» ва»камбағаллиги» уларнинг ёши ва жамоада тутган мавқи билан боғлик бўлган. Мозорларни аксариятида биттадан, баъзан эса иккитадан скелетлар учратилди. Сополлитепада ўрганилган жуфт мозорларда эркак ва аёл бирга кўмилган бўлиб, уларнинг биронтасини суягида мажбурий ўлим излари учрамайди.

---

[81] Ширинов Т.Ш., Шайдуллаев Ш.Б. Бақтрия- қадимги шаҳарлар бешиги// Термиз: тарихий тадқиқотлар, илмий хулосалар. Тошкент-2001.- Б. 4.

Кейинроқ, кўчманчи мулкдор чорвадорлар орасида кўп хотинлик табиий ҳолга айланган ҳарбий демократия даврида ««нариги» дунёда ҳаётни давом этиши» ҳақидаги ибтидоий ақидага кўра, скиф подшолари ва қабила сардорлари билан уларнинг хотин ва чўриларидан бир қисмини мажбурий ўлдириб бирга кўмиш одат тусини олган. Ана шу мулкчиликнинг дастлабки илдизлари сополлитепада кўзга ташланади, яъни сополлитепа мозорлари орасида қабрларда одам жасади ўрнида майда ҳайвон скелетлари учратилган, Бундай қабрлар кенетаф мозорлар номи билан аталади.Уларга бедарак йўқолган марҳум ўрнига жамоа дафн анъанасига кўра, унинг тирик жон мулкидан бир қўйни ўлдириб кўмиш лозим топилган. Сополлитепа кенетаф мозорларининг деярли барчаси эр кишиларга тегишли эди.

Сополлитепа аҳолиси эътиқодида қуёшга, оловга сиғиниш ўз аксини топган. Унинг излари айрим хоналар майдонида учратилган сандал ўтхонаси сифатида қабул қилинган тоза кулли чуқурчалар эди. Шунингдек, Сополлитепада хумга кўмилган мозорлар мисолида ҳам ерга бўлган эътиқод нишонасини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси оташпарастлар эътиқодига алоқадор белгилар эди.

Сополлитепа жамоаси маскур масканда 150-200 йиллар чамаси яшаб, сув танқислигидан, сувга қулай янги унумдор ерлар қидириб, Шеробод дарёнинг қадимги ўзани Бустонсой соҳилларига кўчиб кетадилар. Бу воқеалар милодий эрадан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярмида содир бўлди.

Жарқўтон-Сополлитепа бобо деҳқонлари янги жойни ўзлаштириб, Ўзбекистон жанубида энг қадимги илк шаҳарни барпо этадилар. У шаҳар Ўзбекистон тарихида Жарқўтон номи билан аталиб, унинг протошаҳри Сополлитепа ҳисобланади(32-расм). Сополлитепада учта қурилиш даври аниқланган. Давр ўтиши билан ушбу манзилда аҳоли кўпайиб, янги ерларни ўзлаштириш учун Уланбулоқсой сув манбаи камлик қилганлиги сабабли, Сополлитепанинг 3-қурилиш босқичида деҳқон жамоаларининг бир қисми

янги ерлар қидириб, Шеробод дарёсининг қуйи ҳавзаларига, Бўстонсойнинг юқори оқими ёқаларига бориб ўрнашганлар. Бу жойда олиб борилган археологик қидирув ишларида Бўстонсойнинг ҳар иккала соҳилларида деҳқон жамоаларининг қишлоқлари, улар яқинида қатор бронза даврининг қабристонлари пайдо бўлганлиги аниқланган. Улар орасида йирик ёдгорлик 100 гектардан кам бўлмаган, Бўстонсой чап соҳилини эгаллаган Жарқўтон қишлоғи бўлиб, тез орада бу қишлоқ типидаги аҳоли турар-жойи бронза даврининг илк шаҳрига айланади. Ўзбек археологларининг сермашақақат меҳнатлари натижасида Жарқўтон тепалигидан шоҳлар сарои, олов ибодатхона,аркнинг қалъа девори, бирнеча маҳалла, 2000 га яқин қабр, кулоллар маҳалласи, хумдонлари ва энг қадимги канал ўрни қазиб ўрганилди.[82] Бу қазишмаларнинг натижасида қадимги тарихимизнинг кўпдан-кўп саҳифалари ойдинлашди.

Жумладан, Жарқўтон ҳукумдорлар саройининг очилиши натижасида тарихимизда бронза давридаёқ жамият социал гуруҳларга, синифларга бўлинганлигидан гувоҳлик беради. Сарой ёдгорликнинг энг баланд жойида қурилган бўлиб, у квадрат шаклида (34-34 м), 4,5 м. қалинликдаги мудофаа деворлари билан ўралган, мудофаа девор эса буржлар билан мустаҳкамланган(33-расм).

Саройнинг ички қисмида алоҳида қурилган шинам хоналар, саройнинг марказий қисмида эса тахт учун супа қурилган. Энг диққатга сазовор томони шундаки, сарой ичида шоҳнинг зиёратгоҳ қабри жойлашган белгисини билдирувчи туғ топилди.[83]

---

[82] Аскаров А.А., Абдуллаев Б. Джаркутан. -1983; Аскаров А. Сапаллитепа. – Ташкент, Фан. 1973; Рахманов У. Керамическое производство эрохи бронзы Южного Узбекистана. – Самарканд, 1987; Аскаров А.Расписная керамика Джаркутана // Бактрийские древности. 1976; Аскаров А.А. Бронзовый век южного Узбекистана (К проблеме развития локальных очагов древневосточной цивилизации) // Автореф.дисс.докт.ист.науки. –Москва, 1976; Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. –Т., Фан, 1977; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993.

[83] Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура...... – Самарканд, 1993; Ширинов Т.Ш., Шайдуллаев Ш.Б. Бактрия-қадимги шаҳарлар бешиги// Термиз: тарихий тадқиқотлар, илмий хулосалар.( Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган). Тошкент,2001.-Б. 5.

Жарқўтонда қилинган илмий кашфиётлардан яна бири, бу ерда топилган олов ибодатхонасидир(40-расм). Бу саждагоҳ шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган, тўғритўртбурчак шаклида (60-44 м) ва 4,5 метрли девор билан ўраб олинган(34-расм). Ибодатхон уч қисмдан: ибодатхона, доимий олов ёниб турган кенг майдон-саждагоҳ ва ибодатхона аҳли хизмат қиладиган хоналар мажмуасидан иборат. Ибодатхонанинг асосий дарвозаси кенг ва бежирим безатилган бўлиб, саждага келганлар шу дарвозадан кирганлар. Ибодатхона хизматкорлари учун ҳам алоҳида эшиклар бўлиб, улар анча тор.

Ибодатхонага кириш жойида сув тўлдирилган хумнинг топилиши саждага келган ҳар бир кишидан тозаликни талаб қилганлиги кўриниб турибди.бу ерда илоҳий қудуқларнинг борлиги қадимги аждодларимизнинг сувга топинганлини, доимий олов ёниб турган алтарларнинг топилиши эса оловнинг илоҳийлигини билдиради. Улар нафақат оловни, балки алтарда ёниб ўчган кулни ҳам оёқ босмас жойда- кулхоналарда сақлашган (38,39-расм).

Жарқўтон ибодатхонасининг топилиши бронза давридаёқ диндорларнинг социал гуруҳ сифатида жамиятдан ажралиб чиққанлигининг ашёвий далили сифатида хизмат қилади.[84]

Кейинги йиларда ибодатхонада олиб борилган Ўзбек-Олмон археологик экспедициясининг натижалари, бу ерда ибодатхонагача бўлган монумента бино ўрнини аниқлашдилар(35-расм).[85]

Сополли маданиятининг яна бир йирий ёдгорлиги Бўстон ёдгорлиги хисоблананди(36-расм). Бўсттон ёдгорликлар группаси сўнгги бронза даврига оид бўлиб, у 1973 йилда ЎзР ФА академиги А.А. Асқаров томонидан топилган. Ёдгорлик Сурхондарё вилояти Шеробод туманидан 10 км

---

[84] Ўша асар.
[85] Шайдуллаев Ш. Б., Дитрих Хуфф., Рахимов К.А. Жарқўтон-2002 // ЎАТ 2002-йил. – Тошкент-2003. – Б. 202-205. Шайдуллаев Ш.Б., Д. Хуфф. Новые данные ......., 2002. – С. 35-36; Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида.......... 2009.

жанубий- ғарбда жойлашган ва у ўз ичига бир неча тепаликдан иборат ёдгорликларни қамраб олади. Улар қадимги Бўстонсойнинг икки қирғоғида жойлашган. Бўстон ёдгорлигида дастлабки археологик қазишмаларни ЎзР ФА Археология институтининг Шеробод отряди кенг кўламда олиб борадилар. Шеробод тумани Бўстосой атрофида 1974 йилда кенг кўламли дала қидирув натижасида тўртта қабристон ва битта манзилгоҳ ўрни аниқланди ва улар Бўстон 1-5 тепаликларидан иборат. Ёдгорлик қуриган сой бўйлаб жойлашган 5 км узунликдаги тепалик жойлашган бўлиб, улар ташқий кўриниши бўйича бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Манзилгоҳни ер юзасидан сопол ва тош буюмлари териб олинди. Ҳамда бу ердан У. Раҳманов томонидан бир-бирига яқин жойлашган 6 та икки ярусли сопол пишириш хумдони топилган.[86] Бундан кўриниб турибдики, Бўстон манзилгоҳида марказлашган кулолчилик устахоналари бўлганлигидан гувоҳлик беради. Ёдгорликнинг қабристонидада бирнеча йиллардан бунён археолог олима Н.А.Аванесова томонидадан илмий изланишлар олиб борилмоқда.[87] Тадқиқотчи Жарқўтон ибодатхонаси ушбу қабристон фаолият кўрсатган даврда мавжуд бўлмаган ва қабристоннинг ўзида кўмиш удум ва маросимлар ўтказилган деган фикр билдирганлар[5] ва оловнинг удумий-рамзий вазифасини хилма-хиллиги қуйидаги кўринишларда мавжуд бўлганлигини таъкидлаб ўтганлар:

1 - мурдаларнинг куйдириш учун иншоот; 2 - инсонни бутунлай ёки қисман куйдирилиши; 3 - курбонлик қилинган ҳайвонларнинг қолдиқларининг куйдирилиши; 4 - гулхан ва кулдонларнинг қолдиқлари; 5 - ўчоқ-оташгоҳни эъзозлаш; 6 - кул ва кўмирдан иборат митти оташгоҳ мавжудлиги; 7 - идишга охра ёки кўмир жойлаштирилиши; 8 - инсон суягида

---

[86]Рахманов У. Керамическое производство эрохи бронзы Южного Узбекистана. – Самарканд, 1987;
[87] Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде сапаллинской культуры // «Археологические вести». – № 4, Спб, 1995;Аванесова Н.А., Ташпулатова Н. Символика огня в погребальной практике сапаллинской культуры. (по материалам исследования могильника Бустан VI) // ИМКУ, – Вып.30. – Самарканд, 1999. – С. 27-36;Аванесова Н.А. Проблеме относительной хронологии и периодизации Сапаллинской культуры // Археология Узбекистана, – № 1, –Ташкент, 2010.
[5] Аванесова Н. А., Тошпулатова Н. Символика огня в погребальной практике …– С. 28.

охранинг мавжудлиги ва тўшагич вазифасида фойдаланиши; 9 -айрим кабрларда қисқа муддатли оловнинг ёқилиши белгилари (қабр тубида); 10 - аввалдан куйдирилган мол суяги, кул ва кўмирнинг ғишт тупроғига қўшилганлигини. Табийки, бу хусусиятлар Сополли маданиятининг сўнгги босқичларида кўмиш маросимида олов рамзининг хилма-хиллигини кўрсатади. Бўстон қабристонида маййитни куйдириш удуми қабрдан ташқарида, яъни алоҳида махсус қурилмаларда амалга оширилган. Бу ерда, яъни бир жойда учта крематориялар жойлашган бўлиб, улар бир-биридан кўлами жиҳатидан фарқ қилади. Бу ҳолатни Ш.Б. Шайдуллаев қуйидагича таърифлайди; энг каттаси эркак, ўрта ўлчамдагиси аёл ва энг кичиги эса ёш болалар маййитларини ёқишга мўлжалланган бўлиши мумкин[88]. Шунингдек, тадқиқотчи Сополли маданиятида маййитни ёқиш анъанасини пайдо бўлишини Андронова маданиятининг таъсири деб ҳисоблаб, ҳозирга қадар Андроново маданияти ёдгорликларида бирорта ҳам крематория қолдиғлари топилмаганлигини айтиб ўтган. Андроново маданияти ёдгорликларида маййитни очиқ усулда кремация қилган бўлсада, лекин Бўстон VI ёдгорлигида ўрганилган крематориялар қурилиши эса Жарқўтон қурилиш услубида бажарилганлиги кузатилади. Тадқиқотчи бу фикрларни крематория қурилишида ишлатилган хом ғиштларнинг кўлами ва терилиш услубларига асосланиб билдирган ва бу жараённи икки маданият анъаналарининг қўшилишидан гувоҳлик беришини таъкидлайди[89]. Куйдирилган марҳумлар қабри тубида скелетлар ўрнида кул ва куйдирилган одамнинг суяклари жойлашган. Бундан ташқари, дафн маросимларидан сўнг ёпилган жойда ёки кириш қисмида гулхан ёқишган бўлиб, булардан кўмир доғлари ва куйган тупроқлар сақланиб қолган холос. Куйдириб кўмилган қабрлардаги айрим ўзига хосликлар тадқиқотчи диққатни жалб қилади: қабр қурилишларида

[88] Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари: Тар. фан. докт. … дисс. автореферати. – Самарқанд, 2009. – Б. 28.
[89] Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг … – Б. 28.

тошлардан фойдаланилган, айрим лаҳадлар ўлчови катта, яъни 2 м. дан катта ва бу қабрларда тозаланган суякларнинг бир нечта кичик тўдалари мавжуд.

Кремация удуми Андроново жамоаси орасида расмий маросим сифатида, фақат, жанубий Уралда ҳукмрондир[90]. Куйдиришнинг Ўрта Осиёда пайдо бўлишини мутахассислар Андроново тарихий-маданий жамиятининг Федоров қабилалари билан боғлашади[91].

Мутахасисларнинг кузатишига кўра, ҳар бир жасадни куйдиришда учта гулхан ёқилган. Уларнинг излари қабрнинг сатҳида, яъни куйдириш учун мўлжалланган яшикдан шаркда, ғарбда ва жанубда учрайди. Гулхан қолдиғини доираси 0,8-0,6 м. ни ташкил қилади. Н.А. Аванесованинг фикрига кўра, гулхан жойидаги тупроқни кучли қизарганлиги ва кўмир-кулини қалинлигига қараганда, кўмиш маросимида бир неча марта гулхан ёқилганлигидан гувоҳлик беради[92]. Муқаддас олов ва куйдириш удуми Бўстон VI қабристонида учраши ҳамда бунга яқин параллелар веда адабиётларида, одатларида ва Андроново қабиласининг қабрларида учрашини Н.А. Аванесова ўзини илмий тадқиқотларида айтиб ўтган[93].

Сополли маданиятининг сўнгги босқичида Андроново қабиласининг моддий ва маънавий маданиятида таъсири шубҳасиз[94] ва бу ҳақда Бўстон VI-VII қабристонлари олиб борилган кейинги илмий изланишлар натижалари гувоҳлик беради[95]. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб

---

[90] Сальников К.В. Хвалыно-андроновские курганы у с. Порожного ... – С. 280.

[91] Грязнов М.П. Пастушеские племена Средней Азии в эпоху развитой и поздней бронзы // КСИА. – М.: 1970. Вып. 122. – С. 37-42.

[92] Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде сапаллинской культуры // АВ. – М.: 1995. Вып. 4. – С. 64.

[93] Аскаров А.А. Степной компонент в оседлых комплексах Бактрии и вопросы его интерпретации // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. Тезисы докл. советско-франц. симпозиума по археологии Центральной Азии и соседних регионов. – Алма-Ата, 1985. – С. 57-58; Степной компонент в комплексах оседлых культур эпохи бронзы в Северной Бактрии // Проблемы древней истории Северного Причерноморья и Средней Азии (эпоха бронзы и раннего железа). Краткие тезисы докладов науч. конференции, посвящ. 90-летию Б.А. Латынина. – Л.: 1990. – С. 3-4.

[94] Аванесова Н.А. Новое о связях древних земледельцев с пастушескими племенами Средней Азии // Исторические чтения памяти Михаила Петровича Грязнова. II Омский государственный университет. – Омск, 1992. – С. 33-35.

[95] Аванесова Н.А. Новое в погребальном обряде сапаллинской культуры // АВ. – М.: 1995. Вып. 4. – С. 66.

турибдики, Сополли маданиятининг барча босқичларида диний ва дафн маросимлари оловсиз ўтказилмаган.

Сополли маданиятининг Бўстон босқичида айрим мурдаларда куйдириш удумини амалга оширилиши, бу босқичда чорвадор қабилаларнинг воҳага келиб секин-аста ўтроқлашиб бораётганлигини кўрсатади. Н.А. Аванесова ўзини кейинги илмий ишларида Бўстон VI ёдгорлигидан олинган янги археологик ашёвий манбаларга асосланиб, Сополли маданиятининг Бўстон босқичи алоҳида маданият мақомига эгалигидан гувоҳлик беришини айтган[96].

Жарқўтон манзилгоҳи 1973 йилда Бўстонсойнинг қадимги ўзани бўйида, 100 гектар майдонни эгаллаган ҳудудда жойлашган. Жарқўтон қабристони эса, 20 гектардан ортиқроқ майдонни эгалаган. Шундан Жарқўтон – 3 18 гектар майдонни эгаллаган бўлса, Жарқўтон – 4 - 2,5 гектар 3 та унчалик катта бўлмаган табиий тепаликдан бўлиб, улар Ж – 4а, б, в деб номланди.

Жарқўтон қабристонининг майдонида 1973 йилнинг ёзида кенг миқиёсли изланишлар олиб борилиб, Ж -4а дан 1гектарлик майдондан 731 та қабр очилди. Археологик материалларни анализ қилиш натижасида, Жарқўтон – 4 "А" икки хронологик даврга – илк ва сўнгги Жарқўтон даврига тегишлилига аниқланди (1, 33-39б; 17, 48-49б). [97]

Мўлали комплекси ҳам Жарқўтон қабристонида олиб борилган кенг миқиёсли қазиш ишлари жараёнида топилган материалларни махсус анализдан ўтказилишига кўра, икки хронологик босқичга: - кўзали в мўлалига бўлиниши аниқланди.

Қабрлар тузилишига кўра, падбойно – катакомба бўлиб, кўмиш маросими одатларига кўра, марҳум асосан, эркаклар – ғужанак ҳолатда ўнг томонга ёнбошлатиб жойлаштирилган. Аёллар эса, худди шу ҳолатда чап

[96] Аванесова Н.А. Доурбанистическая Бактрия … – С. 38-39.
[97] Аскаров А.А., Абдуллаев Б. Джаркутан. -1983.- С. 8.

томонга ёнбошлатилган. Барча босқичларда бу ҳолат барқарор бўлганлиги, турли вақтлардаги қабрларда бу ҳолат қайтарилган бўлиши ҳм мумкин.

Бу катта объектда олиб борилган текшириш ишлари, топилган материаллар барча босқич қабрлари анъаналари битта маданиятга тегишлилигини кўрсатади. Яна буларни бир маданиятга тегишли эканлигини шуларда кўринади-ки, ҳар қайси босқичдаги қабр инвентрларида, диний маросимида, одамни кўмиш ҳолатидаги ўзгаришларда ва улрнинг стратеграфияси гувоҳлик беради.

Бу далиллар мукаммал текширилиб, қабрларни хронологик гуруҳларга ажратишда учта кетма-кет босқичларга бўлиб кўрсатилади.

Жарқўтон комплекси қабрлари

Жарқўтон босқичига тегишли 350 та қабрда скелетларнинг жойлашиши аниқланган бўлиб, шулардан 78 та қабрда инвентарлар топилмаган. Қабрларнинг асосий қисмини якка кўмилган қабрлар бўлиб, уларнинг сони жами 293 тани ташкил қилади. Бундан ташқари 4 та (69, 78, 207, 593 қабрлар) си жамоа бўлиб кўмилган. Булардан иккита (69, 593) қабрлар аёл ва ёш боланинг бирга кўмилган бўлса, биттасида (78 қабр) эркак ва ёш боланинг кўмилганини кўриш мумкин. 207 қабр эса, турли вақтларда бўлганидек, эркак ва аёлнинг бирга кўмилгнлик ҳолатини кўриш мумкин.

49 та қабрда ёш болаларнинг якка кўмилганлик ҳолатлари топилган бўлиб, улардан 2 таси (69, 593) чақалоқларники, 30 таси 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларга ва 21 та қабр 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларга тегишли.

7 та қабрда марҳум скелети йўқ. Бу эса қабрнинг кенотаф яъни, майитсиз қабрлигидан гувоҳлик беради.

Жарқўтон босқичига тегишли қабрларда олиб борилган қазиш ишлари жараёнида улардан 45 таси унчалик катта бўлмаган чуқурликда подбойно-катакомба қабрларда бўлган. Подбойно-катакомба тузилишидаги қабрларнинг кўплари вақтлар ўтиши давомида ўпирилиб кетган бўлиб, бу қабрларнинг дафн этиш камераси билан кириш туйнуги ғишт билан ёпилган.

Подбойно-катакомба қабрларнинг кириш туйнуги пишган ғишт билан бир қатор қилиб ёпиб чиқилган (ғиштнинг ўлчами 55-23-10,5см ва 55-22-10 см), қабрларнинг камераси овал яъни чўзиқ бўлган. Унинг кириш ямаси тўғри тўртбурчак қилиб айлантириб чуқур қилинган. Одатда уларнинг камераси – дафн этиш хонаси шарқ томонда жойлашган .[98]

Жарқўтон босқичида асосан скелетлар шимолий ва шимолий-ғарб томонда кўп бўлган. Баъзан шимолий-шарқ ва жанубий-ғарб томонда ҳам скелетлар учраб туради. Жойлашишига кўра, 122 та қабрдаги скелетлардан 53 тасида боши шимолга, 49 таси шимолий-ғарбга , 14 таси шимолий-шарққа қараган бўлса, яна 2 таси жанубий-ғарбга, 1 таси шарққа, 2 та ғарбга ва битта жанубий-шарққа қаратилган. Қабрлардан топилган инвентарларнинг асосий қисми сопол буюмлар бўлиб, улар жуда яхши, бир текисда пишган ғишт рангида тайёрланган. Жарқўтон босқичи сопол буюмлари орасида баланд оёқчали вазалар, таги – оёқчаси бежирим ишланган қадаҳлар, банкага ўхшаш цилиндраконуссимон идишлар, конуссимон пиёла – косалар, товоқ, хумча, узун тумшуқли чойнаклар, ясси товоқлар мавжуд.

Сополларнинг шакли Сополлитепа комплексида бўлган идишлардан бир қанча белгилар билан фарқланиб, яъни жарқўтон даври идишлари ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Жарқўтон этапи қабрлари буюмларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Қабрларда биттадан 30 тагача сопол идишлар учрайди. Баъзи идишларнинг ичида овқат қолдиқлари, майда шохли ҳайвонларнинг суяклари топилди. Қабрлардан турли хил кўринишдаги тош ва металдан тайёрланган – меҳнат қуроллари ва қурол – аслаҳалар, аёлларнинг пардоз буюмлари тош мўнчоқлар топилди. Жарқўтон босқичига тегишли 65 та қабрдан бронза буюмлар топилди.[99] Бу қабрлардан 3 таси эркакларга тегишли, қолгани аёлларга тегишли бўлиб, бронзадан зеб – зийнат буюмлари (браслет, соч

---

[98] Аскаров А.А., Абдуллаев Б. Джаркутан. -1983.- С. 10.
[99] Аскаров А.А., Абдуллаев Б. Джаркутан. -1983.- С.11.

тўнағичлар, юқори сиқатли узук - балдоқлар) ва турмушда ишлатиладиган бигиз, спицы ва бошқалар топилди. Аёллар кўмилган 29 та қабрдан турли хил кўринишдаги тош мўнчоқлар ва иккита ип йигирувчи урчуқтош топилди. Баъзи эркаклар қабридан эса, найза учлари топилди. Болалар кўмилган қабрларда 1 тадан 4 тагача сопол идишлар ва кўп қисмида тувакларнинг миниатюра шакллари учрайди.

Жарқўтон қабрларида ҳайвонни қурбонлик қилинганлик белгилари кўзга ташланади. 19 та қабрда идишларда ёки бош суягининг ёнида майда шохли ҳайвон суяклари топилган .[100]

***Кўзали комплекси қабрлари.***

Кўзали комплексига тегишли 161 та қабр аниқланган бўлиб, улардан 65 тасида қабрга қўйиладиган буюмлар топилмаган. Бу даврга тегишли жуфт кўмилган қабрлар ҳам топилмаган.

Қабрларнинг асосий таркибини 115 та катта ёшли, якка кўмилган қабрлар бўлса, 15 та майитсиз қабрлар эканлиги аниқланган (табл. X, 3; XI, 4; VII, 1,4; III, 2,4,5,7).

46 та қабр болаларга тегишли бўлиб, уларда 1 тадан 7 тагача майда сопол буюмлар топилган. Болаларга тегишли № 51 қабрдан 5 та идиш (2 та ваза, 2 та тувак-хумча, 1 та коса), № 281 қабрдан 7 та идиш (3 та ваза, 2 та хумча ва 2 та товоқ) топилган бўлиб, булар болалар учун одатий бўлмаган кўмишдир. Жарқўтон босқичида болалар қабрида метал буюмлар топилмаган, аммо бу даврда, яъни кўзали босқичидаги 2 та қабрдан (51, 112) улар аниқланган. № 51 қабрдан 5 та сопол идишлар билан бирга яна, бронзадан ясалган митти пичоқлар ҳам топилди. № 112 қабрдан тилла сирға топилган. Болаларни кўмиш ҳолатига кўра, (ғужанак ҳолатда ёнбошлатилган – ўғил болалар ўнгга, қиз болалар чапга) катта ёшлиларникидан фарқ қилмаган.[101]

---

[100] Аскаров А.А., Абдуллаев Б. Джаркутан. -1983.- С. 12.
[101] Аскаров А.А., Абдуллаев Б. Джаркутан. -1983.- С. 12.

Кўзали босқичига тегишли 15 та кенотаф топилган бўлиб, уларда 2 тадан 11 тагача сопол идишлар топилган. Бу қабрларнинг 4 тасида бронзадан митти пичоқлар, 1 тасида бронзадан куракча ва 2 тасида мрамор пряслицу топилди. Шу билан бирга яна 8 та кенотафдан қўйнинг суяклари топилди.

Кўзали босқичига тегишли қабрларда скелетларнинг боши 2 тасида ғарбга, 5 таси шарққа, 4 таси жанубий-ғарбга, 2 таси шимолий-ғарбга, 3 таси шимолий-шарққа, 2 тажанубий-ғарбга ва 6 таси жанубга қаратилган. Кўзали босқичи қабрларининг кўп қисми ўғирланган бўлиб, юқорида келтирилган ҳолатлар, анатомик жиҳатдан яхши сақланиб қолган 42 та қабрнинг таснифидир. Бундан кўриниб турибди-ки, бу босқичда марҳумнинг бошини ғарбга қаратиб қўйиш ҳоллари кўп бўлган.

Энг муҳими кўзали босқичи қабрларида диний маросим идишлари, қабр инвентарлари бирданига қисқариб, уларнинг ўрнига қабрларга турмушда ишлатиладиган бумларнинг митти кўринишдагилари ишлаб чиқарила бошлади. Буларни 22 та қабрда бронзадан қилинган кураклар, сирғалар, браслет ва меҳнат қуроллари учрашида кўриш мумкин ( табл. XLV ва XLVI).[102] Шу қабрларда аёлларникидан, митти пичоқлар чиқса, эркакларникидан найзанинг ўқ учлари топилган. Шу билан бирга эркакларнинг қабрида металл маҳсулотлари ҳам учрайди.

Бу босқичда ҳам ҳайвонни қурбонлик қилиш ҳолатлари бўлганлиги қабрларда намоён бўлади. 13 та қабрда ҳайвон – қўйнинг суяклари борлиги, яъни унинг кураги, орқа оёғи ва қовурғаси аниқланди.

Жарқўтон илк шаҳар майдонининг жанубида, шаҳар ташқарисида, майдони 20 га дан кам бўлмаган Жарқўтон шаҳар қабристони таркиб топади. Ундан жануброқда, Бўстонсойнинг чап соҳили бўйлаб, яна учта табиий тепаликларда Жарқўтон IV а, б, в қабристонлари пайдо бўлади. Ёдгорликнинг ҳудудий ўзлаштирилишини ўрганишга қаратилган стратиграфик шурфлар бу масканда 500-600 йиллар ҳаёт давом этганлигини

[102] Аскаров А.А., Абдуллаев Б. Джаркутан. -1983.

кўрсатади. Бўстонсойнинг ўнг соҳилидан яна бир неча қабристон ва манзилгоҳлар топилиб, улар Бўстон 1,2,3,4,5,6 номлари остида ўрганилган. Мана шу ёдгорликлар мажмуаи Бўстонсой кичик воҳасини ташкил этади.

Сурхондарё ҳудудий доирасида шаклланган иккинчи йирик марказ – Бойсун қадимги деҳқончилик воҳасидир. У юқорида таъкидлаганимиздек, Шеробод деҳқончилик водийсидан кейинроқ, сўнгги бронза ва илк темир даврида шаклланган. Бойсунтоғ этакларида, жанубий-ғарбдан шимолий-шарққа томон чўзилган тоғ олди даштлари қадимдан Бандихонсой, Ургулсой, Хўжаипак, Халқажар, Сангардак, Тўпалангдарё сув манбаи асосида суғориб келинган. Ана шу дарё ва тоғ сойларининг қуйи ҳавзаларида, уларнинг ёйилиб кетган тармоқлари бўйлаб сўнгги бронза даврида Бойсун деҳқончилик воҳаси шаклланган. Унинг ҳудудий доирасида учта қадимги деҳқончилик кичик воҳалари ташкил топган. Улардан биринчиси, Қизириқдара даштида жойлашган Бандихон кичик воҳасидир. Бу кичик воҳада бир-бирларига параллел Ургулсой ва Бандихонсойлар ўтган.

Бу масканда академик Э.В.Ртвеладзе илк бор изланишлар олиб бориб, уч тарихий даврларга оид ёдгорликлар мажмуасини топган[103]. Улар асосан Ургулсой бўйлаб жойлашган. Уларнинг энг қадимийси маҳаллий аҳоли орасида Майдатепа номи билан юритилган ёдгорлик бўлиб, унинг остидан Кучук I даври қатлами учратилган. Унинг устки қатлами эса, қадимги Бақтрия даври билан характерланади. Э.В.Ртвеладзе Майдатепани Бандихон I ёдгорлиги сифатида рўйхатга олган.

Демак, Бандихон кичик воҳаси илк бор сўнгги бронза давридан бошлаб, қадимги деҳқон жамоалари томонидан ўзлаштирила бошланган. Ёдгорликлар асосан, Ургулсой бўйлаб жойлашган бўлиб, улар бир неча тарихий даврларни ўз ичига олади. Бандихон кичик воҳасининг илк бор ўзлаштирилиши Кучук I даврига оид бўлиб, ёдгорликларнинг асосий қисми

[103] Ртвеладзе Э.В. Разведки в предгорьях Байсунтау // «Археологические открытия 1973 года». – М.– Л., 1974 – С. 489-490.

қадимги Бақтрия – илк темир даврига тегишлидир. Кичик воҳада антик ва илк ўрта асрлар даврига тегишли ёдгорликлар ҳам учрайди. Ҳозирги вақтда Бандихон воҳаси кам сувли, чорва боқишга қулай имкониятларга эга. Кичик воҳанинг гуллаши илк темир, антик ва илк ўрта асрлар даврига тўғри келади. Демак, илк ўрта асрлардан бошлаб, Бандихон сойнинг суви кескин камайиб кетган бўлиши мумкин. Чунки, ушбу кичик воҳада кейинги даврлар тарихига оид ёдгорликлар учратилмайди.

Бойсун қадимги деҳқончилик воҳасининг марказий қисмини Шўрчи тумани ҳудудлари ташкил этади. Бу суғорма деҳқончилик маданияти маркази қадимда Бойсунтоғ дараларидан чиққан Хўжаипак сув манбаи асосида ташкил топган. Хўжаипак дарёси ўзининг қуйи ҳавзаларидан кенг тармоқларга бўлиниб кетган Халқажар, Қизилжар, Қизилсув ёйилма ўзанлари бўйлаб таркиб топган ўнлаб катта-кичик ҳажмдаги бронза ва илк темир даври жамоаларининг манзилгоҳлари топиб ўрганилган. Ана шундай ёдгорликлар гуруҳи (Мўлали манзили ва қабристони, Ачамайли, Хотамтой қабристони, Миршоди, Бўйрачи 1, 2, Қизилжар, Қизилча 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11) Миршоди қишлоғи атрофларида мужассамлашган бўлиб, бу кичик воҳада илк бор ўрганилган Миршоди қишлоғи номи билан Миршоди кичик воҳаси, деб аталди. Миршоди кичик воҳасининг бош ёдгорлиги Қизилсув ёқасида жойлашган Қизилтепа[104] ёдгорлиги ҳисобланади. Бу ёдгорликлардан Мўлали қишлоқ макони ва қабристони, Хотамтой қабристони ҳамда Ачамайли манзили ёдгорликлари Сополли маданиятига тегишлидир.

Бойсун қадимги деҳқончилик воҳасининг учинчи кичик воҳаси Сангардак-Тўпалангсой кичик воҳаси бўлиб, бу минтақада бронза даври ёдгорликлари кам учратилган. Кичик воҳанинг иккита жойида бронза даври жамоаларининг излари сақланган. Улардан биринчиси Денов беклигининг

---

[104] Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. – Ташкент, Фан, 1987. – С. 7-11.

қалъаси остидан топилган Мўлали даври жамоаларининг излари бўлса[105], иккинчиси Олтинсой тумани ҳудудидан топилган Сополли маданиятининг Мўлали босқичига тегишли кенотаф мозордир. Бу кичик воҳадан топилган бронза даври жамоаларининг дастлабки изларига кўра, Сангардак-Тўпаланг деҳқончилик кичик воҳаси хали яхлит бир суғориш ҳудуди ёки кичик воҳа сифатида узил-кесил шаклланиб улгурмаган. Келажакда бронза даврининг янгидан-янги ёдгорликларини топилишига умид боғлаган ҳолда, уни алоҳида қадимги деҳқончилик кичик воҳаси туркумига киритиш мумкин.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик изланишлар натижасида Сополли маданияти жамоаларининг бир гуруҳи Жарқўтон босқичида Шеробод воҳасидан ғарбда жойлашган Кўхитанг тоғ оралиғидаги Пашқурт водийсига ҳам кириб борганлиги аниқланди[106]. Қадимги деҳқон жамоаларининг дастлабки манзилгоҳи Тиллабулоқ атрофи очиқ, ҳарбий стратегия жиҳатидан қулай, баланд табиий тепалик майдонида қад кўтарган. Тепалик атрофи Тиллабулоқ суви оқими йўналишида ҳосил бўлган сой ўзани ҳавзаси бўйлаб экинбоп текисликлардан иборат(37-расм). Демак, қадимги тиллабулоқликлар шу жойларда деҳқончилик қилган бўлишлари мумкин. Ҳозирда Пашқурт водийсидаги қадимги деҳқон жамоаларининг Тиллабулоқ қишлоқ маконидан ташқари яна 10 га яқин жойларда бронза даври манзиллари Ш.Шайдуллаев томонидан аниқланди. Пашқурт тоғ водийсининг табиий-географик шароити водийда нафақат суғорма деҳқончилик жамоаларининг, балки лалмикор деҳқончилик ва яйлов чорвачилик хўжаликларини ривожланиши учун ҳам қулай имкониятларга эга. Унинг Зарауткамар қоятош суратлари ёдгорликларини ҳам ҳисобга олганда, уни Жанубий Ўзбекистоннинг узоқ тарихий илдизга эга Пашқурт лалмикор деҳқончилик ва яйлов чорвачилик хўжалиги жамоаларининг тоғ орасида ташкил топган воҳаси сифатида ўрганиш мумкин.

[105] Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени // СА. – № 2. – М., 1975. – С. 265.
[106] tillabulak Интернет материаллари

Шимолий Бақтрия ҳудудларидан ўрганилган бронза даври қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари, уларга хос хусусиятларга кўра, икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси, Сополли маданияти типидаги ёдгорликлар, иккинчиси Кучук 1, Қизил 1, яъни Чуст маданияти типидаги ёдгорликлардир. Уларнинг тарихий ва антропологик келиб чиқиш илдизлари бир бўлсада, аммо хронологик жиҳатдан турли даврларга тегишлидир. Уларнинг этномаданий ривожланиш даражаси, антропологик қиёфаси, даврий саналари ва моддий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари кенг кўламда ўрганилган. Айниқса, Сополли маданиятининг хронологик изчиллик асосида таклиф этилган босқичларининг даврий кетма-кетмалиги бирламчи манбалар асосида тузилган. Шу боис, ушбу бобда кейинги изланишлар туфайли пайдо бўлган баъзи бир муаммолар ва уларнинг даврий саналари билан боғлиқ янгича қарашларни таҳлил этиш, умумлаштириш ва ўз қарашларимизни баён этиш кўзда тутилган. Чунки, Шимолий Бақтрия ёдгорликларининг мавжуд хронологияси билан боғлиқ баъзи бир қарашларга аниқликлар киритиш бронза даври дафн маросимларини ўрганишда тарихий изчилликни таъминлайди.

Сополли маданияти ва унинг хронологиясини дастлаб, А.Асқаров уч хронологик босқичга, яъни Сополлитепа, Жарқўтон ва Мўлали босқичларига бўлинишини асослади[107]. Уларнинг саналарини (Сополли босқичи:1700-1500 йй, Жарқўтон босқичи: 1500-1350 йй, Мўлали босқичи:1350-1000 йй) аниқлади. Ундан сўнг, археолог Б.Абдуллаев Жарқўтон IVа қабристонининг майдонида қазишмалар олиб бориб, 731 та қабр топилмалари асосида Сополли маданияти даврий санасига Кўзали босқичи киритилишини таклиф қилди[108]. Унинг йил санаси мил. авв. 1350-1200 йиллар билан белгиланди. У.Рахманов Жарқўтонда кулолчилик билан боғлиқ муаммолар устида изланишлар олиб бориб, ёдгорликнинг вертикал ва горизонтал

---

[107] Аскаров А. Древнеземледельческая культура ... – С. 90-112; Аскаров А., Абдуллаев Б. Раскопки могильника Джаркутан (Результаты работ весной 1975 г.) // ИМКУ – Вып.14, –Ташкент, 1978. – С. 39-42.
[108] Аскаров А., Абдуллаев Б. Джаркутан. –Ташкент, 1983. – С. 40-42.

стратиграфиясига алоҳида эътибор қаратади. Жарқўтон ёдгорлиги ҳудудларини ўзлаштирилишининг тарихий ва хронологик кетма-кетлигини ўрганиб, Сополли маданияти учун якунловчи Бўстон босқичини таклиф қилади[109]. Мўлали босқичининг йил санаси мил. авв. 1200-1050 йиллар билан, Бўстон босқичи эса мил.авв. 1050-900 йиллар билан белгиланади[110].

Сополли маданияти ва унинг босқичларга бўлиниши юзасидан академик А.Асқаров ва унинг шогирдлари томонидан таклиф этилган даврий кетма-кетлик илмий жамоатчилик орасида қабул қилиниб, узоқ йиллар илмий муомалада бўлиб келди. Бироқ, кейинги йилларда Жарқўтон ёдгорлиги ва уни ўрганишга бўлган қизиқиш халқаро аҳамият касб этиб, Германия олимлари эътиборини ўзига тортмоқда. Германиялик археолог Д.Хуфф ўзбек археологлари (Ш.Шайдуллаев, Т.Ширинов ва бошқалар) билан ижодий ҳамкорликда Жарқўтондаги археологик изланишларда қатнашиб, маълум ютуқларни қўлга киритди. Д. Хуфф асосий эътиборни Жарқўтон ибодатхонаси остида сақланган қалъа-қўрғонни ўрганишга қаратади. Дарҳақиқат, Жарқўтон монументал ибодатхонаси ўрнида дастлаб, қальа-қўрғон бўлиб, ташқи девор параметри бўйича айлана шаклида буржлар бўлганлиги, қалъанинг ички тузилиши кенг тўғри бурчакли бир неча хоналардан ташкил топганлигини аниқлайдилар.

Кейинги йилларда Жарқўтондан топилган ноёб аҳамиятга эга бўлган топилмалар, маданий қатламлар ҳажми ҳамда С-14 анализларига асосланиб, Сополли маданияти ва унинг босқичлари хронологиясини 350-400 йилгача қадимийлаштирдилар, яъни Сополли босқичи санасини мил. авв. 2150-1900 йилларга, сўнгги Бўстон босқичини эса, 1400-1300 йиллар билан белгиланди[111].

---

[109] Рахманов У. Керамическое производство эрохи бронзы Южного Узбекистана. – Самарканд, 1987. – С.12-14.

[110] Ўша асар – Б. 16-17.

[111] Асқаров А., Шайдуллаев Ш. Бақтриянинг бронза ва илк темир даври маданиятлари хронологияси // “Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда”. – Тошкент, 2005. – Б. 36-47.

Маданиятларни қадимийлаштириш ғояси асосида Ўрта Осиё ёдгорликларидан олинган радиокарбон анализ натижалари ҳамда ашёвий далилларнинг қадимги Шарқ ёдгорликлари топилмалари билан қиёсий таққослаш ётади[112]. Шунингдек, улар ўз вақтида Сополлитепа ва Жарқўтондан олинган радиокарбон саналарни-(мил. авв. 1690 ва 1560 йиллар) С-14 методининг такомиллашган (калибрлаштирилган) саналарига асосланиб, Сополлитепа босқичини Ф.Колл мил. авв. 2190-1880 йилларгача, Хиберт эса мил. авв. 2277-1745 йилларгача қадимийлаштирганлар[113]. Немис олими Д.Хуфф Берлин лабораторияларида Жарқўтондан олинган 23 та кўмир ва кул қолдиқларини калибрлашган радиокарбон анализдан ўтказиб, улардан Жарқўтон босқичига оид қатламлар (15та анализ) мил. авв. 1950-1600 йилларни берган. Америкада Ф.Хиберт томонидан ўтказилган калибрлашган анализлар эса, мил. авв. 1950-1750 йилларни берган[114].

Юқорида келтирилган радиокарбон анализ натижалари археологик мажмуаларнинг қиёсий типологик анализларига нисбатан бир мунча зид. Шу билан бирга, А.Асқаров ва Ш. Шайдуллаевларнинг кенг қиёсий таҳлиллари асосида таклиф этган Сополли маданияти ва унинг босқичлари саналари ҳақидаги мулоҳазалари тарихий ҳақиқатга яқинроқдир. Демак, ёдгорликлар хронологиясидаги тарихий жараёнларнинг кечиши ва бу жараёнларни даврий кетма-кетликда мантиқан ривожланиш тенденциясини ҳисобга олганда, Сополли маданиятининг Сополлитепа босқичи даврий санаси Номозгоҳ VI даври хронологияси доирасидан чиқмайди. Шу сабабли, Сополли маданияти ва босқичларини янги аниқ саналари бахслидир. Бунинг устига, на Сополлитепа, на Жарқўтонда Номозгоҳ V даври сополлари учрамаган. Ўрта

---

112 Kohl Ph.LCentral Asia (Westtrn Turkestan): Neolith to the Early Iron Age. «Chronologies in Old World Archaeology. Ed. By Ehrich R. W // – Chicago, Vol. 1: 179-195; Hiebert F.T. Chronology of Margiana fnd Radiocarbon Dates // «Information Bulleten of IASCCA. – Moskov, 1993.

113 Kohl Ph.LCentral Asia (Westtrn Turkestan): Neolith to the Early Iron Age. «Chronologies in Old World Archaeology. Ed. By Ehrich R. W // Chicago. Vol. 1: 179-195; Vol. II: 154-162; Hiebert F.T. Origins of the Bronze Age Oasis Civilization in Central Asia // «American School of Prehistorik Research Bulleten. 42. –Cambridge, 1994.

114 Асқаров А., Шайдуллаев Ш. Бақтриянинг бронза ва илк темир даври....... – Б. 39.

Осиё қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликларининг даврий саналари масаласида анъанавий қарашлар асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Номозгоҳ-Яз 1, Сополли-Кучук 1, Дашли-Тилла 1 маданиятлари ўртасидаги давомийликни Жарқўтон ёдгорлиги мисолида ўрганиш мумкинлигини таъкидлаш жоиз. Аммо, Жарқўтон ёдгорлиги устки қисмида учраган Кучук 1 қатлами қалин-юпқалигига қараганда, Кучук 1 даврига 300 йил бериш шубҳалидир. Чуст маданияти ўз ватани Фарғона водийсида 300-500 йилгача бўлган даврни қамраб олган бўлиши мумкин. Аммо, Қадимги Бақтрияга, Марғиёнага чустликлар мил.авв. 1000 ёки узоғи билан 1100 йилдан олдин кириб келган эмас. Чунки, Бўстон-Кучук II ўртасида давомийлик узилмаган. Кучук 1 даври этник гуруҳларнинг кириб келиши билан ҳарбий-сиёсий зиддиятлар туфайли Сополли шаҳар маданияти анъаналари маълум вақтга инқирозга учрайди. Шунинг учун ҳам Кучук I даври санасини мил. авв. 1300-1000 йиллар билан белгилаш шубҳалидир. Бизнингча, Қадимги Бақтрияда Кучук I даври санасини мил. авв. 1000-900 йиллар билан, Сополли маданияти санасини эса мил. авв. 2000-1100 йиллар билан белгилаш тўғрироқ бўлади.

Ўзбек-Олмон Бақтрия археологик экспедициясининг ёш аъзолари Майк Тойфер ва Кай Канютлар Сополли маданиятининг даврий кетма-кетлиги хусусида ўз қарашлари билан янгилик киритмоқчи бўлганлар.[115] Улар Сополли маданиятининг 5 босқичга бўлинишини тан олган ҳолда, Жарқўтон босқичидан кейин Кўзали эмас, балки Мўлали босқичи келади, деб таъкидлайдилар. Бўстон 6 ва 7 объектларида узоқ йиллар давомида дала тадқиқотлари олиб бораётган профессор Н.А.Аванесова уларнинг хулосаларини асоссиз эканлигини кўрсатиб, илмий мақолалар орқали эълон

[115] Kaniuth K, Teufer M. Zur Sequenz des Grdberfeldes von Rannij Tulchar und seiner Bedeutung fbr die Chronologie des spdtbronzezeitichen Baktrien // AMIT. – Band 33, – Berlin, 2001. – P. 89-115.

қилди.[116] Бу фикрни кейинги йилларда илмий изланишлар олиб борган Ш.Б. Шайдуллаев ва К.А. Раҳимовларнинг илмий ишларида ҳам олға сурадилар.[117]

Юқоридаги эслаб ўтилган далиллар асосида Сурхондарё воҳасида бронза даридаёқ илк суғорма деҳқончилик ва илк шаҳарсозлик, этник жараёнлар пайдо бўлганлигини ишонч билан айтиш мумкин.

---

[116] Аванесова Н.А. Проблеме относительной хронологии и периодизации Сапаллинской культуры // Археология Узбекистана, – № 1. – Ташкент, 2010. – С. 110-143.

[117] Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида) Т.ф.д. даражаси учун ёзган диссер. Автореферати. Самарқанд, 2009. – Б. 18;

Рахимов К. “Сополли маданияти ёдгорликларида олов билан боғлиқ қурилмалар ва ошхона идишлари типологияси” т.ф.н. диссер. Самарқанд. 2011.

# III БОБ. СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИ ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ҚАДИМГИ ЎЧОҚЛАРИДАН ЭКАНЛИГИ

Савдо-сотиқ жамоалар ўртасидаги юқори ривожланган алоқа тури ҳисобланади. Шахсий мулкнинг пайдо бўлиши ва ортиқча махсулотлардан жамоанинг бошқа нарсаларга бўлган эхтиёжини қондириш масаласи савдо ишининг асосини ташкил этади[118].

Бронза даврида Ўрта Осиёда кечган маданий алоқалар, савдо ишлари ва алоқа йуллари ҳақида тадкикотчилар маълум даражада изланишлар олиб боришган. Биз қуйида Сополли маданияти, хусусан Жарқўтон аҳолисининг Қадимги Шарқнинг юқори ривожланган маданият ўчоқлари билан маданий алоқалари хусусида ашёвий манбалар асосида фикр билдирмоқчимиз.

Жарқўтон ва Хараппа маданияти ўртасидаги маданий алоқалар.

Хараппа маданиятининг Бақтрия билан маданий алокалари анча яхши урганилган. Айникса, Бақтрия ҳудудида Шуртугай ёдгорлигининг очилиши бу мавзунинг асоси бўлиб хизмат килган[119].

Шуртугай ёдгорлиги Амударёнинг юқори оқими, чап томонида жойлашган, Хараппа маданиятининг инқирозидан сўнг пайдо бўлган ёдгорлик. Шу билан бир қаторда Сополли ва Дашли маданиятларига хос бўлган сополлар мажмуаси ҳамда мунчоқлар ҳам топилганки, бу ашёлар ёрдамида Шуртугай ёдгорлигининг пайдо бўлишида ерли халқларнинг ўрни тўғрисида ҳам фикр юритишга имкон туғилади. П. Франкфортнинг фикрича Шуртугай Хараппа маданиятининг шимолий савдо ёдгорлиги бўлиб, лазурит савдо колонияси йулида қурилган асосий таянч манзил хисобланади.

Бу ёдгорлик ашёлари нафақат маданий алоқалар, балки этник жараёнлар масаласини ечишда ҳам манба бўлиб хизмат қилади.

---

[118] Щетенко А.Я. Обмен и торговля доисторического Индостана // КСИА №138. - М.: 1974. -С.13-22.
[119] Ргашдгой Н.Р. РошПек !е 8пойидЬа1. Кеспегспек киг Б'А§1е Сепгга1 ргогоЫкгощиек. У.Ш. - Раш: Воссагй,
1989.

Сунгги вақтда адабиётларда Бақтрияда Хараппа этник гуруҳларининг ўрни тўғрисида янги фикрлар пайдо бўлмоқда. Бертилль Лионнет Хараппа маданиятининг Бақтрияга маданий таъсири тўғрисида эмас, балки бир этник гуруҳ тўғрисида гапириш керак деган фикрда. В. М. Массоннинг Алтин тепада очилган «Зиккурат» казишмалари вактида топилган ашёвий манбалар Эронга нисбатан Хараппа маданиятига яқинроқдир, деган хулосаси Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқининг маданий алоқалари қадимдан давом этиб келаётганлигидан далолатдир[120].

Сополли маданияти ашёвий манбалари асосида ҳам Бақтрия ва Қадимги Ҳиндистон маданий алоқалари маълум даражада ўрганилган. Хусусан, Кўзали даври моддий маданиятининг шаклланишида Хараппа маданиятининг ўрни А. А. Асқаров томонидан кўрсатиб берилган бўлса[121], меъморчиликдаги ўхшашликлар Т.Ш. Ширинов томонидан ўрганилган[122].

Ўзбекистон - Германия Бақтрия экспедициясининг Жарқўтонда олиб борган изланишлари натижасида ҳам Бақтрия ва Хараппа маданий алоқалари хусусида янги маълумотлар тўпланди. Қуйида ушбу ашёлар хусусида туҳталмоқчимиз, зеро бу маълумотлар фанимизни янги ашёвий манбалар билан бойитади.

Кай Канют ўрганган №5 тепаликдан иккита фил суягидан ясалган, квадрат шаклдаги предмет топилган бўлиб, биринчисининг кўлами 4х4х0,5 см, қора, иккинчисиники 4,5х4,5х0,5см бўлиб, оқ рангда. Иккала предметнинг юзасида айлана шаклли 9 та безак чизилган, улар учтадан уч қаторда жойлашган .

Худди шу сингари фил суягидан ясалган предметлар Хараппа маданиятида жуда кўп тарқалган. Улар Месопотамия ҳудудларида ҳам кенг

---

[120] Массон В.М. Формирование раннеклассовых обществ и вопросы типологии древних цивилизаций // Древний Восток и античный мир. - М.: МГУ, 1980. - С.12-40; Массон В.М. Основные направления культурно-исторического процесса // Становление производства в эпоху энеолита и бронзы. М.. Наука, 1981. - С. 35-48.
[121] Аскаров А.А. Проблема становления раннегородской культуры на юге Узбекистана и ее связи с Индостаном // Древные культуры Средней Азии и Индии. - Ташкент, 1984. - С. 87-97.
[122] Ширинов Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии ... - С. 34-39.

тарқалган бўлиб, Месопотамия ёдгорликларидан топилган ушбу предметларни тадқиқотчилар, Хараппа типидаги ёдгорликлардан келган деб ҳисоблайдилар. Фил суягидан ясалган ушбу предмет Ўрта Осиё ёдгорликлари орасида энг кўп Алтин тепадан топилган[123].

Юқорида эслаб ўтганимиздек, фил суягидан ясалган ушбу топилманинг тарқалиш географияси жуда кенг - Ҳиндистон, Месопотамия, Эрон, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларини ўз ичига олади. Тадқиқотчилар бу топилмани «болалар уйинчоғи» ёки «фолбинлик қуроли» (астроголик предмет) деб ҳисоблайдилар. Бизнинг фикримизча, ушбу топилманинг фил суягидан ясалганлигининг ўзи қимматбаҳо эканлигидан далолат беради. Ушбу топилма Хараппа маданияти ва унинг маданий таъсир доирасида бўлган худудларда тўлов воситаси вазифасини ўтаган. Бу фикрнинг исботи сифатида Алтин тепада учратилган битта сопол идиш ичида 11 та квадрат, 2 та айлана ва 8 та таёқча шаклдаги фил суягидан ясалган топилмани эслаб ўтиш лозим. Бу топилмалар юзасида ифодаланган айлана шаклдаги «безак»лар сони билан фарқ қилади. Таёкча шаклдаги топилмаларда 1-3 тадан айлана чизилган бўлса, доира шаклидаги предметларда 6-7 та, квадрат шаклидаги фил суягидан ясалган мазкур предметларда 8-10 та айлана чизилган. Яна бир эътиборли томони шундаки, 8 та квадрат шаклдаги ушбу предметларнинг марказида битта йирик айлана бор. Айлана атрофи эса ромб шаклидаги параллел чизиқлар билан тўлдирилган[124]. Фикримизча, айланалар сони ушбу предметнинг қийматини билдирган. Эътиборингизни яна бир ҳолатга жалб этишни истар эдикки, бу Қадимги Шарк иероглификасида, хусусан Миср, Урартуда айлана ичида нуқта ифодаланиши ракамни билдирган. Юқорида келтириб ўтган маълумотлар асосида яна бир бор айтамизки, фил суягидан ясалган ушбу предметлар Хараппа маданияти

[123] Ганялин А.Ф. Раскопки в 1959-1961 гг. на Алтын-депе // СА. - М.: 1967. №4. - С. 216.
[124] Ганялин А.Ф. Раскопки в 1959-1961 гг. на Алтын-депе // СА. - М.: 1967. №4. - С. 216.

таъсири доирасида бўлган ҳудудлардаги савдо ишларида тулов воситасини бажарган бўлиши эҳтимолдан йирок эмас.

Савдода тўлов воситаси тўғрисида гап кетганда В. М. Массоннинг фикрлари ҳам ўринли. У қимматбаҳо металлар - олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар - лазурит, агат, зумрадлар тўлов воситасини бажарган, дейди. Шу билан бир қаторда В.М. Массон ўзаро товар айирбошлаш савдода бош ролни бажарганлигини уқтириб ўтади . Бу фикрларни инкор этмаган ҳолда савдода тўлов воситаси сифатида ишлатилган яна бир предмет хусусида фикр билдирмоқчимиз. Бу предмет археология фанида «пряслица» (урчук бош) номини олган конус шаклидаги предмет бўлиб, диаметри бўйлаб тешиги бор. «Пряслица» кўпинча оқ, қора, қизил рангли юмшоқ таркибли тошлардан, ҳар хил рангли хлорид, лазурит тошлардан ҳамда сополдан ясалган. Улар шакл жиҳатдан бир хил бўлиб, катта-кичиклиги билан ҳам деярли фарқ қилмайди.

Тадкикотчилар бу предметларни мунчоқ деб ҳам атайдилар, лекин бироз катталигини инобатга олиб «пряслица» деб аташга одатланиб қолишган[125]. Кўп йиллик кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу предметларнинг марказида жойлашган тешикчаларнинг диаметри 0,5 см бўлиб, биронтасида ҳам урчуқ таёгига кийдирилганда коладиган емирилганлик белгиси учрамайди. Бу ушбу предметнинг «прящлица» эмаслигининг биринчи аломати.

Иккинчидан, урчуқбошлар урчуқ айланганда оғирлик маркази вазифасини бажаради. Одатда урчуқбошлар ипни йиғириш учун маълум бир вактгача фойдаланилади, яъни ип калавасининг оғирлиги урчуқбош оғирлигидан ошганидан сўнг урчуқбош олиб қўйилади. Фанимизда «пряслица» деб ном олган предметнинг оғирлиги 200 граммдан ошмайди.

[125]Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... - Табл. XXXI; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана ... - Табл. XXV; Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура ... - Табл. XXI.

64

Шундай экан, бу предметнинг оғирлик маркази, яъни урчуқбош вазифасини ўтамаган деб, аниқ ишонч билан айтишимиз мумкин.[126]

Бу предмет ҳам бизнинг фикримизча, савдода тўлов воситасини бажарган. Савдогарлар уни ипга тизиб юришган ва тулов воситаси сифатида ишлатишган. Уларнинг қиймати ясалган ашёсига қараб белгиланган. Фил суягидан ясалган предметлар сингари бу предметда ҳам айлана белгиларнинг бўлиши характерлидир. Бу белгиларнинг сони ҳам унинг қийматини белгилаган бўлиши мумкин.

Жарқўтон ёдгорлиги аркидан фил тасвирланган терракот-ҳайкалчанинг топилиши Жарқўтонликларнинг Хараппа маданияти билан узвий маданий алоқада бўлганлигини тасдиқловчи яна бир ашёвий манба бўлиб хизмат қилади[127]. Ушбу терракот ҳайкалчанинг лойи, пиширилиш услуби Жарқўтон кулолчилигига хосдир. Фил эса Ўрта Осиё ҳайвонат дунёсига хос эмас. Демак, Жарқўтонликларнинг филни, аниқроғи, хараппаликларни билганликларидан, маданий алоқасидан дарак беради.

Жарқўтон ёдгорлиги №4 тепалигидан, Жарқўтон даври маданий қатламларидан Сополли маданиятига хос бўлмаган чиннидан ясалган ва сир билан қопланган идиш парчаларининг топилиши ривожланган Қадимги Шарқ маданиятлари билан, хусусан Хараппа маданияти билан алоқани кўрсатувчи манба бўлиб хизмат қилади. [128] Бу идиш сиртида Ҳиндистон ўсимлик дунёсига хос бўлган «р1ра1» ўсимлигининг ифодаланиши ва шу сингари идишларнинг Хараппа маданиятида кенг тарқалганлиги ушбу идишнинг Ҳиндистон ҳудудидан келтирилганлигини кўрсатади. Чунки, сирланган идишлар бронза даврида фақат Ҳиндистон ва Месопотамия

[126] Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ... // т.ф.д. дис... Автореф. – Самарқанд, 2009

[127] Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ... // т.ф.д. дис... Самарқанд, 2009. – С. 23.

[128]Шайдуллаев Ш. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ... // т.ф.д. дис... Автореф. – Самарқанд, 2009.

ўлкаларида маълум бўлган ва вақт ўтиши билан унутилган технологик жараён ҳисобланади[129].

Шу тепалик тадқиқотлари давомида худди шу технологик услубда ясалган «буйрак» шаклида ишланган митти идишнинг топилиши ҳам Жарқўтонликларнинг ташқи дунё билан маданий алоқаси тўғрисида дарак беради. «Буйрак» шаклли идишлар Дашли 3, Тоголок 2 ёдгорликларида ҳам учраган бўлишига қарамай Ҳинд-Месопотамия ҳудудларига хос ҳисобланади. Хусусан, Асмара, Теллодаги Иштар ибодатхонасидан[130], Тел Брак ибодатхонасидан шундай идишларнинг кўплаб топилиши фикримиз далилидир. Дюринг Касперс Месопотамия ҳудудларида «буйрак» шаклли идиш ва «p1pa1» тасвири туширилган идишларнинг тарқалишини Ҳинд ўлкасидан, сув йўли орқали Месопотамияга тарқалган деб ҳисоблайди[131]. В. И. Сарианиди «буйрак» шаклидаги чиннидан ясалган идишлар жанубда (Ҳиндистонда) пайдо бўлган бўлса-да, Бақтрияда ўзига ҳос вариантда, яъни тошдан ясаш характерли бўлган, деган фикрда. Жарқўтондан шу кунгача тошдан ясалган, яъни В. И. Сарианиди тили билан айтганда «Бақтрия варианти»даги «буйрак» шаклли топилмалар учрагани йўқ. Бизнинг топилмаларимиз Ҳиндистонда ясалган ва олиб келинган моддий маданият намуналари ҳисобланади[132].

Сополли ва кўчманчи маданиятларнинг ўзаро маданий алоқалари.

Юқори деҳқончилик маданиятига эга бўлган жанубий вилоятлар билан кўчманчи шимол маданиятлари Ўртасидаги алоқалар мил.ав. V минг йиллик

охири ва III минг йиллик Ўрталарида ҳам бўлганлигини археологик манбалар кўрсатмокда. Бунга Жанубий Ўрта Осиё неолити билан Калтаминор маданияти алоқалари мисол бўлади. Жанубий Орол бўйидан

[129] Маккей Э. Древнейшая культура долины Инда. - М.: 1951. - Табл. XXVII, 12.
[130] Рагго! А. Ье Темр1е Б'кшаг. - Раш, 1956, - И§.93.
[131]Бшхпд Сакрегк Е. 8оте МойГк а§ ЕуШепсе Гог МагШте Сошас1 Ве1\уееп. 8итег апй Ь1йи8 Va11еу // Регаса, V, 1970-1971. - Р.114.
[132] Сарианиди В.И. Об одной группе культовых изделий Бактрии // СА. №3. 1979. - С. 262-265.

топилган сополлар мажмуаси, яъни нақшланган, буялган сополларни А.В. Виноградов жанубнинг таъсири деб баҳолайди[133].

Қадимги даврлардаги бу алоқаларни антропологик манбалар асосида ҳам кузатса бўлади. Неолит даврига оид Тумек-Кичиджик ёдгорлиги (Жанубий Туркманистон) аҳолиси шимолдан, яъни Поволжедан келган деган ғояни Л.Т. Яблонский ёзган ва бу фикрини краниологик манбалар асосида асослашга уринган бўлса, Шаркий Орол буйиларига Сруб маданиятининг ёйилиши Л. М. Мандельштам томонидан кузатилган [134]. Бу манбалар қадимдан жануб ва шимол аҳолиси маданий алоқаларининг доимий эканлигини кўрсатувчи маълумотлардир.

Иктисоди асосан деҳқончиликка асосланган жануб ва кўчманчи-чорвага асосланган шимолнинг маданий алокалари бевосита топилаётган археологик ашёлар ёрдамида ҳам кузатилади. Аввало, шимолий ҳудудлардан топилган, жанубга хос бўлган моддий маданият намуналари тўғрисида тўхталсак.

Кўкча 15 ва Кўкча 15а ёдгорликларидан Номозгох VI ёки Жарқўтон кулолчилигига хос бўлган кулолчилик чархида ишланган сополларнинг, Жонбос 35 ёдгорлигидан топилган лойдан ясалган, пиширилмаган ҳайкалча, Кўкча 15 дан топилган сирғалар бу алоқаларни кўрсатувчи ашёвий манбалардир . Бу маданий алоқаларни Зарафшон воҳаси мисолида ҳам кузатиш мумкин. Тозабогёб маданиятига оид Кўкча 3 ёдгорлигида қабрларнинг шимолга қаратилганлиги ва топилган идишлар мажмуаси Алакул маданияти билан боғланса, аёллар чап биқини, эркаклар унг биқини билан кўмилганлиги қайд этилган[135]. Маьлумки, жинсий деформизм деҳқончилик маданиятларига хос одат ҳисобланади. Бу ҳолат Кўкча 3

[133] Виноградов А.В. Древние охотники и рыбаловы Среднеазиатского Междуречья // ТХЭ. Т. XIII, - М.: 1981. - С. 160.

